Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 16 (10.265).

1992 йил 23 январь пайшанба

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 16 январда Тошкент Талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеаларга оид собиқ СССР ҳамда чет эллар оммавий ахборот воситаларида жой олган айрим хабарлар муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати топшириғига биноан қуйидаги баёнотни эълон килиш учун масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жавобгарликни тўла ҳис этган ҳолда баён киладики, мазкур хабарлар ғаразгўйлик билан тўқиб чиқарилган. Уларда жабрланганларнинг сони бузиб, бўрттириб кўрсатилган, воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар нотўғри ёритилган, тартибни сақлаш органларининг хатти-ҳаракатлари бузиб талқин этилган, аммо аҳволни нормаллаштириш учун қилинаётган амалий тадбирлар тўғрисида лом-мим дейилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги юқорида зикр этилган хабарлар айрим доираларнинг республика ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган демократия жараёнига нисбатан шак-шубҳа уйғотиш, Республика раҳбариятининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва эҳтиёжларини қондириш учун олиб бораётган ишларга бўлган ишончга раҳна солиш, деб ҳисоблайди.

Бу хабарлар заминида муайян мақсадлар яширинб ётибди, у ҳам бўлса — мустақиллик йўлида ўзининг дастлабки қадамларини қўяётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамият ташкилотлари ва чет эл мамлакатлари олдида унинг обрўйига путур етказиш, ички осойишта аҳволни издан чиқариш ва бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги объектив қийинчиликлардан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Известия» рўзномаси, Россия телерадиокомпанияси, «Маяк» радиостанцияси ва бошқа баъзи оммавий ахборот воситаларининг масъулиятсизлик билан хабарномалар тарқатганликларини, баъзи бир ҳорижий матбуот воситалари эса улар таъсирига тушиб қолганлигини таассуф билан қайд этади.

Содир бўлган воқеалар тўғрисидаги нотўғри хабарлар ёшларнинг, кенг халқ оммасининг, Ўзбекистон Республикаси барча ватанпарварларининг қонуний ғазабини уйғотади.

Ушбу баёнот Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги доимий ваколатхонасига, Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигига, Россия телерадиокомпаниясига, «Маяк» радиостанциясига, «Известия» рўзномаси редакциясига ҳамда Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган хорижий мухбирларга юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

ЯХШИ КУНЛАР КЕЛАДИ

УНИ ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ, ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИМИЗ БИЛАН ЯҚИНЛАШТИРИШИМИЗ ЗАРУР

Қайта қуриш етмиш йиллик коммунистик қалъага қақшатқич зарба урди. Халқ ҳатто тушига ҳам кирмаган янгиликларга дуч келди. Горбачев даврида шунақаям кўп қарор ва фармонлар қабул қилиндики, санаб саноғига етолмасдик. Айниқса, кооперативчилик тўғрисидаги қарор иқтисодий ҳаётимизни издан чиқарди. Юлдузни бенарвон урадиган баъзи кооперативчилар ўзлари маҳсулот етиштирмасдан тайёр давлатникини олиб, икки-уч баравар баланд нархда сотишга тушдилар. Ичкиликбозликка қарши чиқарилган қарор баҳонасида минглаб гектар узумзорлар йўқ қилинди, корхоналар синди. Чайқов аҳли ва бизмафия деб атаётган халқ душманлари фойда-даромад нишабини ўзларига тўғриладилар, спиртли ичимликлар, қанд, шакарлар қаерларгадир гумдон қилинди.

Мустақиллик учун курашлар, миллий низоларнинг авж олиши етмиш йилдан бери бир-бирига боғлиқ қилиб қўйилган корхоналар иш маромини бузди. Давлат арбоблари амалий иш қилиш ўрнига ўтмишни қоралаб, марҳумлар руҳини чирқиратдилар.

Жаҳондаги энг йирик буюк иттифоқ чок-чокидан сўкилди, «СССР» деган ном фақат тарих саҳифаларидагина қолди. Барча жумҳуриятлар мустақил давлат мақомини олишди., Коммунистик партия, Марказ якка-ҳокимлиги барҳам топди.

Ўзбекистон ана шундай қийин ва мураккаб шароитда ўз мустақиллигига эришди. Президентимиз жумҳуриятдаги барча миллат вакилларининг ижтимоий ҳимояланишлари учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бундан кўз юмиш инсофсизлик бўлади.

...Чиноз автобус корхонаси директорининг ҳузурига Собир Раҳимов номидаги колхоздан бир автобус колхозчилар келишди. Улар йўл ҳақининг уч-тўрт баравар ошиб кетганидан норози бўлдилар. Маъмурият ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, «Чиноз—С. Раҳимов» маршрутига бошқа автобус қўйди ва билет нархини 1 сўмга туширди.

Биз корхонада бўлганимизда такси ҳайдовчилари бир ойлик режалари 8 минг сўмга кўтарилганидан норозилик билдирдилар. Албатта, таъмирлаш ишлари, эҳтиёт қисмларни ўз ҳисобларидан бажарадиган ва ойлик маошлари ҳали оширилмаган ҳайдовчилар учун саккиз минг сўмлик режани бажариш қийин. Одамлар таксиларга деярли чиқмай қўйдилар. Бундан ташқари, корхонадаги автобуслар эски, ҳайдовчилар учун шароитлар умуман йўқ.

— Баъзи одамлар нон ва нон маҳсулотлари нархи ошганидан норози бўлмоқдалар, — деди биз билан суҳбатда район ижтимоий таъминот бўлими мудири Исмоил Зоҳидов. — Менимча, жуда тўғри қилинди. Чунки, нонни қадрламай қўйгандик. Энди эҳтиёжимизга яраша оламиз, беҳудага бурдалаймаймиз, исрофгарчиликлардан тийиламиз.

— Бугунги қийинчиликларимиз вақтинчалик, озгина сабр-тоқат қилсак, баҳамжиҳат бўлиб, меҳнат қилсак эрта-индин кўрмагандек бўлиб кетамиз, — деди «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхози раиси Эргаш Жонтелеев, — биз колхозчиларимизни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини кўриб қўйганмиз, дон, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари заҳираси етарли. Атлас тўқиш цехимиз ишлаб турибди. Кейинчалик кичик корхоналар ҳам қурамиз. Хуллас, ҳар қандай шароитда ҳам таққиллик бўлмайди.

Район Кенгаши раиси Усмонали Умаров ҳақ гапни айтди:

— Биз шу пайтгача тайёр нарсаларни олишга, давлатимизнинг бизни сўзсиз боқишига ўрганиб қолгандик. Ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир хил ойлик оларди. Энди марказий давлат ҳам йўқ, қийинчиликларимиздан нолиганимиз билан Б. Ельцин ёки Н. Назарбоев келиб, аҳволимизни яхшилаб бермайди, ўзларидаги аҳвол бизникидан беш баттар. Яхши ишласак, ҳар хил ирволарга учмай аҳил-иноқ бўлсак — ўзимизга фойда, қийинчиликлар гирдобидан тезроқ чиқамиз. Мен барча ўзбекистонликлар ўз Президентлари атрофига маҳкам жипслашиб, муаммоларни биргалашиб ҳал этишлари лозим, деб ҳисоблайман. Бирлашмасак, аравани ҳар ким ҳар томонга тортаверса фақат ташвиш орттирамиз, ишимиз орқага кетаверади.

— Яхши кунлар, албатта, келади, — деди ишонч билан райондаги Турсунбой Эрназаров номли совхоз фахрийси Хўроз Давиров. — Лекин, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Яхши кунлар учун жон куйдириш, ёшларни чалғитмасдан уларни тўғри йўлга бошлаш керак. Биз кўрган кунлар бугунги кунлар олдида ниҳоятда оғир эди. Тўйиб нон емасдик, ертўлаларда яшаб, тирикчилик ўтказардик. Худога шукур, ҳозир ҳамма нарса бор. Уларнинг нархи ҳамиша баланд бўлиб турамас. Ўғлим, сиз газетдан бўлсангиз, ёшларга насиҳатимни, албатта, етказинг. Қийинчиликларда тобланиш, ҳаёт ва унинг неъматларини қадрлашга ўрганиш лозим.

Хўроз ота айтганидек, қийинчиликлар одамни тоблайди, тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатади.

Э. ҚОСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҒАЛАЁНЛАРИНИНГ МОСКВАДАГИ АКС-САДОСИ

«ПРАВДА»нинг ёшлар мухбирлик пункти хабар қилади. Москвадаги олий ўқув юртларининг талабалари кеча Ўзбекистоннинг Россия пойтахтидаги доимий вакиллиги биноси ёнига пойлоқчилар қўйишди. Талабалар касаба уюшмалари раҳбарларининг режасига кўра, улар шу тадбирни ташкил этиш орқали тошкентлик биродарлари билан бирдамлик изҳор этмоқчи бўлдилар.

Бироқ шу вақт ичида талабалар бу пойлоқчиларни бутунлай бошқа жойга қўйсалар бўлмасмиди, деган фикр ҳеч ҳаёлимдан кетмади. Назаримда, кўпгина таҳлилчилар бу фикрни тасдиқлаш учун Россиядаги талабаларнинг аҳволи ўзбек талабаларининг аҳволидан анча ёмонлигини мисол қилиб кўрсатишлари мумкин. Аввало бу Ислом Каримов фаолиятининг ижтимоий соҳага йўналтирилгани билан изоҳланади. Россия Федерациясининг Президенти Б. Н. Ельциндан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Президенти таълимнинг шу соҳасидаги ўз ниятларини кўкларга кўтариб мақташ билан эмас, ўзининг президентлик фаолиятида шу соҳага устунлик бериш билан шуғулланмоқда.

Мендаги маълумотларга қараганда, Ислом Каримовнинг қароргоҳига талабалардан дағдағали хатлар ҳам тушган эмас. Унинг шу жиҳати ҳам Б. Н. Ельциннинг Кремлдаги қароргоҳидан фарқ қилади. «Правда» ноябрь ойида ўз ўқувчиларини мана шундай хатларнинг бири билан таништирган эди. Унда ельцинча бозордан талабаларни ижтимоий ҳимоялаш зарурлиги ҳақида гап борган эди. 16 январь куни талабалар касаба уюшмаларининг раҳбарларидан Россия Федерациясининг Президенти номига янги мактуб юборилгани маълум бўлди. Йигит ва қизлар бу мактубда 48 соат мобайнида тегишли қарор қабул этилишини талаб қилганлар. Акс ҳолда улар ҳукуматнинг истеъфога чиқиши ҳақидаги талаб билан норозилик ҳаракати ўтказамиз, деб огоҳлантирганлар.

Бу—ўринли талаб. Масалан, Москва физика-техника институтининг ректори берган маълумотга кўра, мазкур илмгоҳда етти студент очликдан кўнгли озиб йиқилгани қайд этилди. Россия талабалари касаба уюшмаларининг раҳбари Олег Денисовнинг ҳисоб-китобларига қараганда эса Бауман доирилфунуни талабасининг ҳозирги 150 сўмлик оширилган стипендияси бир ҳафта давомидагина нормал овқатланишни зўрға таъминлайди. Айтилган мана шу мисолларнинг ўзидан россиялик талабаларнинг сабр косаси тўлиб-тошгани ҳақида хулоса чиқарса бўлади. Борис Николаевичнинг биринчи сон фармонини эса улар ҳозир аччиқ масхаралаш деб билмоқдалар. Талабаларнинг касаба уюшмаларида ҳисоблашларича, Г. Бурбулис ҳам бир неча кун аввал уларни масхаралаган эди. Охир-оқибатда у ҳукуматнинг ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорини имзолади. Аммо қарорнинг матни ғаройиб тарзда ўзгариб қолди. Стипендиялардан ва талабалар ишлаб топган пулнинг ҳар қандай турларидан даромад солиғи ушлашни бекор қилиш ҳақидаги модда қарордан тушиб қолди. Бунинг ўрнига бошқа модданинг янгича талқини пайдо бўлди. Талабаларнинг зўр бериб қилган талаблари билан қабул этилган қарорда стипендиялар ва турли компенсацияларнинг умумий миқдори Россиядаги меҳнат ҳақининг энг оз миқдоридан ошиб кетиши тақиқлаб қўйилди.

Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонасида эса йигит ва қизларни доимий вакилнинг ўзи қабул қилганлиги диққатга сазовордир. У тошкентлик талабаларнинг оширилган стипендияси 450 сўм эканини таъкидлади. Республикадаги нарх-наво эса Москвадагидан икки-уч ҳисса паст.

Вадим ГОРШЕНИН,

«ПРАВДА» рўзномасининг 22 январь сонидан.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Бу кун жанобингизни сайлов натижаси, яъни Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланганингизни билиб кўп севиндик. Оллоҳ таоло Сизга ва Туркистон халқига муборак этсин. Сиз бундан тўрт ой илгари ватан истиқлолини дадил, миллий иродангиз билан бутун дунёга эълон этдингиз. Энди у муқаддас омонатни яна бу даврингизда авайлаб, ясатиб миллий манфаатларни ва халқ орзуларини демократик йўл билан амалга оширишингизни улуғ парвардигордан тилаб, Сизга ва улуғ Туркистон миллатига бахт ва саодатлар тилаб қоламиз, деб Саудия Арабистонидаги туркистонликлардан:

Сафохон АБДУРАҲМОНХЎЖА,
Абдулҳамид АНДИЖОНИЙ,
Аҳмад Али ТУРКИСТОНИЙ,
Абдуғаффор Туркистон НУР,
Зухриддин Обид ТУРКИСТОНИЙ,
Абдуллохон ТУРКИСТОНИЙ.

НОН — РИЗҚУ-РЎЗИМИЗ

Тегирмонларимизга буғдой, омборларимизга ун кети узилмай келиб турганлиги, нон заводлари пешма-пеш маҳсулот чиқараётганлигига қарамай ризқи-рўзимизни аҳолига вақтида етказишда баъзи жойларда узилишлар бўлмоқда. Оқибатда навбат кутишлар келиб чиқмоқда. Юқоридаги суратда Янгийўл шаҳар Металлист кўчасидаги 32-нон дўкони, пастдаги суратда Янгийўл ноҳия Гулбаҳор қўрғони Самарқанд кўчасидаги нон дўкони орқасидаги манзараларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД суратлари.

ИССИҚХОНАДА

АНВАР ака Мирзалиевни Қибрай ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигидагилар асл деҳқон дейишади. Бунинг боиси бор, албатта. Анвар ака меҳнат фаолиятини 1951 йилда оддий колхозчиликдан бошлади. Сўнг бригадага етакчилик қилди. Мана, ўттиз йилдирки, парник хўжалигига бошчилик қиляпти. 1989 йилда 60 сотихли иссиқхонага лимон кўчати ўтказилди. Экин парвариши оби-тобида олиб борилди. Натижада 30 сотих ердаги лимонзордан 1991 йилда бир тонна ҳосил олинди. Ҳозирги кунда иссиқхонадаги карам уруғлари ниш уриб чиқди.

— Февраль ойининг ўрталарида редиска ҳосилини йиғиштириб оламиз, — дейди Анвар ака. — Карам кўчатидан бўшаган жойга эса помидор, булғор қалампири, бақлажон уруғларини сепамиз.

Турғунбой ЭШТОЕВ.

• *Менинг фикрим:*

ОНАЛАР ЙИҒЛАМАСИН

Ҳурматли муҳаррир!

Талабалар шаҳарчасидаги рўй берган ташвишли воқеалар юрагимни ўртаб юборди, кўзларимга ёш қуйилди. Она сифатида фарзандидан айрилган онанинг чексиз ғамандуҳларини сезиб турибман, қани энди иложи бўлсаю, унинг аламларини енгиллатсам. Лекин, фарзандоғи ёмон, бундай пайтларда тасалли сўзларини ҳам тополмайсиз.

Нега шундай бўлди? Афғон урушларида, миллий низолар пайтида азамат ўғлонларимиздан айрилганлигимиз камлик қилдими? Президентимизнинг телевизор орқали сўзлаган ҳаяжонли нутқини кўзларимда ёш билан тингладим, мустақил йирик давлатга бош бўлиш нақадар қийин-машаққатли эканлигини сездим. У кишининг аламли сўзлари деярли барча оналар қалбини жунбушга келтирган бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам нега ўзбек ўзбекка қурол ўқталади, нега бир-биримизни савалаймиз?! Юртимиз мустақил бўлиб, жаҳонга таниллаётган бир пайтда рўй берган тўпалон, ур-йиқит ориятимни келтирди, баъзи масъулиятсиз кишилар қилмишидан ғазабландим.

Тўғри, нарх-наволар бешолти баравар ошди. Лекин, ҳеч ким умрбод шундай тангликда яшайсиз, дегани йўқ-ку. Ноумид-шайтон, яхши кунлар келар, бу қийинчиликлар унутилар. Аммо, тўс-тўпалонларнинг олдини ололмаган ношуд, лоқайд кишилар қилмишини унутиб бўлмайди.

Ёшлар — ниҳол, қай тарафга буксангиз букилаверади. Менимча, уларни тарбиялашда, ҳузурларида сўз сўзлашда ниҳоятда эҳтиёткорлик лозим. Бундан ташқари, нарх-наволар ошишидан олдин талабалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, адолатсизликка йўл қўйилмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўриш лозим эди.

Қисқаси, биз оналар бундай ҳунук воқеаларнинг бошқа такрорланмаслигини, айбдорлар жазоланишини истаймиз.

Ҳ. МУЗАФФАРОВА.
кўп болали она.

• *Қишлоқ шўроларида*

ҲИМОЯ ҚИЛИШ БУРЧИМИЗ

ҲОЗИРГИ давр, шароит қишлоқ шўроларида ҳам ишни тубдан қайта қуришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда қишлоқ шўроларининг зиммасидаги вазифалар кўпайса-кўпаймоқдаки, камаймаяпти. Мен қуйида уларнинг барчаси тўғрисида тўхталмоқчи эмасман. Лекин биз 1991 ва 1992 йилларда энг муҳим бир масалага, яъни фуқароларни иқтисодий оғир пайтда ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бераётганлигимиз тўғрисида гапирмоқчиман.

Албатта, бу ишни қишлоқ шўросининг ўз имкониятлари билан тўлиқ амалга ошириш мушкул эди. Шунинг учун ҳам биз ана шу масала юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларда ҳудудимиздаги жамоа хўжаликлари, корхоналар билан ҳамкорликда ишлашни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини тўла-тўкис таъминлашни бош мақсад қилиб олдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тезда ўзининг ижобий самарасини берди.

Масалан, биргина Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 1991 йилнинг ўзида 168 оилага ер берилди. «Ўзбекистон 30 йиллиги» жамоа хўжалигида 114 оилага 10 сотихдан ер ажратилди. Шунингдек, булардан ташқари бир қатор хонадонлар қўшимча томорқалар билан таъминланди. Бу экин майдонларидан меҳнаткашларнинг самарали фойдаланишлари учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Фақат бугина эмас, меҳнаткашларга қиш мавсумида истеъмол қилишлари учун арзон нархларда сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Жумладан, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ўз ҳудудидаги аҳоли учун салкам 30 тонна пиёз, 10 тонна картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, шахсий чорва хўжалигини ривожлантириш учун оилаларга етарли ем-хашак ажратди. Бундан ташқари аҳолига 38 бош қорамол, 156 бош қўйэчки, 3205 бош парранда имтиёзли нархларда сотилди. Бу борада «Ўзбекистон 30 йиллиги» жамоа хўжалиги амалга ошираётган ишлар ҳам салмоқли бўлди. Ушбу хўжаликда 22 тонна буғдой, етарли картошка ва сабзавот маҳсулотлари ана шу мақсадлар учун ажратилди. Оилаларга 84 бош қорамол, 178 бош қўй-эчки ва кўплаб парранда берилди. Бу рақамларни бежиз келтирмадим. Зеро, уларнинг замирида жуда катта маъно бор. Биринчидан, аҳоли ерлик бўлди. Бундан буён ундан фойдаланиб ҳам ўзи учун, ҳам бошқа фуқаролар учун маҳсулот етиштиради. Чорваси бор хонадондан эса қут-барака аримаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Демоқчиманки, амалга оширилган бу ишлар эртага орадан бирор йил ўтгач янада катта самара келтиради.

Аммо иқтисодиётдаги танқислик вазиятида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлар, боқувчисиз қариялар ва бошқа ёрдамга муҳтож оилалар ҳақида алоҳида шуғулланишни даврининг ўзи тақозо қилиб қўйди. Биз бу масалага алоҳида эътибор беряпмиз. Имкони борича уларнинг ҳолидан хабар оляпмиз, қўлимиздан келганча ёрдам беряпмиз. Яқинда бир гуруҳ Улуғ Ватан уруши ногиронларига уй-жойларини таъмирлаб олишлари учун 1000 сўмдан маблағ ажратдик. Шу билан бирга қишлоқ шўроси ижроия қўмитаси йиғим жамғармасидан 8400 сўм пулни ночор оилаларга ёрдам тариқасида берди. Шунингдек, янги даҳа қурилишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Булардан ташқари ҳудудимиздаги 338 хонадонга телефон ўтказилди.

Маълумки, Республика Президенти ўқитувчиларга ва айрим табақа нафақахўрларга имтиёзлар яратиш тўғрисида фармонлар чиқарди. Биз ана шунга асосан 12 кишига корхона ва жамоа хўжаликлари ҳисобидаги уй-жойларини шахсий мулк сифатида ўтказиб бердик. Албатта, биз бу борадаги ишларимизни янада кенгайтиришимиз керак. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўшимча имтиёзлар бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз кераклигини яхши биламиз. Қишлоқ шўросида ана шулар юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқяпмиз. Агар бу борада бизга ваколатлар берилса янада яхши бўлур эди.

Яллама қишлоқ шўроси ҳудудида 19 та маҳалла мавжуд. Бу ҳудудлардаги кўчаларни асфальтлаш, аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келмоқда. Биз яқинда бир қатор кўчаларни ободонлаштириш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрладик. Афсуски, уларни тўлиқ ижро этиш учун қишлоқ шўросининг қўли калталик қилади. Шундай экан, бугунги кунда ҳудудимиздаги хўжаликлар, корхоналар биз билан ҳамкорликда бир мақсад учун ҳаракат қиласалар бу тадбирларнинг барчасини тезроқ амалга оширишга муваффақ бўламиз. Биз келгусида ишимизни ана шу асосда ташкил этишни, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. Зеро, гап аҳоли фаровонлиги, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш устида бормоқда.

Э. ҚУШИМОВ,
Чиноз районидаги Яллама қишлоқ шўроси ижроия қўмитасининг раиси.

• *Китоб—билимлар сарчашмаси*

АЛЛОМАЛАР СУВ ИЧГАН БУЛОҚ

Яна бир йилгина ўтса неча-неча илмга ташна кишилар сув ичган булоқ — Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси ташкил этилганига олтмиш йил тўлади. Ўйлаб туриб айтаманки, ўтган вақт мобайнида бу хазинахона ўзининг бой жамғармаси билангина биз учун қадрли бўлиб қолмай, унга Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжонларнинг қадамлари ботбот етиб турганлиги, бу кутубхона Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий, Теша Зоҳидов, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов, Содиқ Азимов сингари номлари жаҳонга машҳур олимларнинг темир қанот чиқариб баланд парвоз қилишларида муҳим роль ўйнаганлиги билан ҳам ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас жой. Унинг илгариги даргоҳи мустақиллик майдонига яқин бўлган Гагарин номли истироҳат боғидаги ғиштин бинода эди. Борабора у ер торлик қилиб қолди. Шундан сўнг пойтахтимизнинг академиклар шаҳарчасида асосий кутубхонанинг мазкур кошонаси қад кўтарди. Унинг биринчи ғиштини қўйганлигимни эслаганимда кўнглим ифтихорга тўлади.

Ўн уч йилдирки, ана шу янги маскан олимлар, аспирантлар ва умуман тақдирини илм билан боғлаган 20 минг кишига хизмат қилиб келмоқда. Хазинахонада 3,5 миллиондан ортиқ нусхадаги дурдоналар кўз қорачиғидек асраб, авайлаб келинмоқда. Уларни ардоқлаш, китобхоналар хизматига йўналтириш билан эса 155 нафар ходим машғул.

Ташқаридан назар ташлаганда кутубхонадаги хизмат худди жавонларда турган китобларни мухлисларга олиб беришу яна жойига қўйиб қўйишдек туюлади. Йўқ, бу ердаги фаолиятнинг мураккаб жараёнлари етарли. Ўрта Осиёда энг катта зиёхона бўлган бу даргоҳимиз ходимлари 34 та чет давлат билан, шу жумладан собиқ иттифоқ жумҳуриятларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 500 та кутубхона билан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Мен уларни бирма-бир санаб ўтирмайман. Лекин республикамизни иқтисодий танг-ликдан чиқаришда кўмаклашишга бел боғлаган ва жумҳуриятимиз мустақиллигини биринчилар қатори тан олган Туркия мамлакати билан салкам ўттиз йилдан буён дўстлик алоқалари ўрнатиб, китоблар, рўзномалар, мажаллалар алмашиб тураётганлигимиз ҳақида тўхталмоқчиман. Анқарадаги миллий кутубхонага бир неча йилдирки, туркиялик олимлар, илм соҳиблари илтимосига кўра «Ўзбек тили ва адабиёти» мажалласини ва «Ўзбекистон академиясининг маърузалари»ни юбориб турамиз. Шу шаҳардаги бир қатор илмий муассасалар геологияга оид адабиётлар билан қизиқмоқдалар. Хусусан, яқинда уларга М. Бобоевнинг «Сейсмик фаол ҳудудлардаги тоғ жинсларининг физик хусусиятлари» китобини, шунингдек «Ўзбекистон ҳудудлари сейсмиклиги» рисоласини юбордик. Айни пайтда «Туркия минерал ресурслар тадқиқоти ва улардан фойдаланиш бюллетени»ни, «Турк дили» мажалласини олиб турибмиз. Истанбул дорилфунуни билан ҳам китоб алмашув алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Умуман Туркия илмий даргоҳларига ўтган йили бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан ҳам кўпгина китоблар юборилди.

Чет эл собиқ иттифоқ кутубхоналари билан алоқа боғлаб китоб жамғармасини тўлдириш, ҳар бир адабиётни қайта ишлаш, уларни фаннинг тармоқларига қараб тартиблаштириш, бебаҳо бойликларни маълум ҳарорат, маълум ёруғлик таъсирида ҳамиша «соғлом» сақлашда Зинаида Синякина, Алфирья Мўминова, Алла Синельникова, Елена Ким, Маъсуда Миртолипова, Светлана Холодова каби ўз соҳасини пухта эгаллаган ходимлар хизмат қилишаётганлигини таъкидламоқчиман.

Асосий кутубхона хизматидан фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган. 400 дан ортиқ ўринга эга бўлган қироатхоналаримиз бор. Каталоглардан фойдаланиш бўйича маслаҳатчи эса доимо ташриф буюрувчилар хизматида. Бундан ташқари жамоамиз китобхонлар учун бошқа бир қулайликлар ҳам яратиб бераришмоқда. Айтайлик, илм билан шуғулланувчи кишини мажалладан қандайдир мақола ёки ноёб китобдаги қайси бир боб қизиқтиради. У рус ёки ўзбек тилида, ё бўлмаса чет тилида бўлиши мумкин. Ўқийман деса, аспирант ё олим тил билмаганлиги учун мақолани тушунмайди. Ўйга олиб кетишга эса ўта ноёб китоблар ёки мажаллалар нусхаси ягона бўлганлиги туфайли берилмайди. Ана шу қийинчиликни бартараф этиш мақсадида биз керакли материалларни китобдан ё мажалла, ё рўзномалардан дарҳол нусхасини олиб беришни йўлга қўйдик. Энди китобхон «Китобнинг мана бу бетларидан менга нусха кўчириб беринг» деб буюртма бераверади. Кутубхонанинг кўчирма аппаратлари жойлашган кичик цех бу талабларни жадал бажариб келмоқда. Биз кутубхонага олинган адабиётлар, илмий рисолалар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш, уларни кўпайтириб, республикамиз академиклари ва илмий — тадқиқот муассасаларига етказиб беришда ҳам ана шу цех хизматидан фойдаланяпмиз.

Кези келганда ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб бир-иккита таклифлар ҳам айтмоқчиман. Кейинги йилларда турли ширкатлар халқлар ўтмиш маданий меросига мурожаат қилиб, асрлар давомида ёруғ дунёни кўролмай ётган асарларни кутубхоналар билан шартномалар тузиб, қайта нашр эттирмоқдалар. Бу борада Москва, Санкт-Петербург шаҳарларидаги ширкатлар айниқса фаоллик кўрсатишяпти. Бизнинг кутубхонамизда ҳам ана шундай ноёб асарлар борки, улар қайта чоп этилса қанчадан-қанча кишилар маънавий, илмий бойиғаи бўладилар. Айниқса мен бу ерда соҳибқирон Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ, шунингдек чет эл ёзувчилари яратган Ўрта Осиёни босиб олиш даврига оид тарихий қиссаларни назарда тутяпман. Чет тиллардан бундан бир аср ва ундан ҳам кўпроқ олдин рус тилига таржима қилинган бундай китобларни энди ўзбек тилига ўгириш пайти келди. Бу китоблар тарихимизни тўғри англаб олишга ёрдам берган бўлур эди. Айни пайтда ширкатлар билан кутубхонамиз ўртасида тузиладиган шартномалардан бизнинг муассасамиз албатта манфаатдор бўлиши лозим.

Мен бу ҳақда бекорга гапираётганим йўқ. Йиллар давомида кутубхоначилар хизмати маош нуқтаи назардан муносиб тақдирланмай келди. Минг шукрлар бўлсинки, Президентимиз Ислом Каримов туфайли энди бизнинг соҳа кишиларининг бағрига ҳам бироз бўлса-да, шамол тега бошлайди. Бир вақтлари олий маълумотли бўла туриб 80, 105 сўмгина маош олган кутубхоначи ижтимоий ҳимояга олингандан кейин 260 сўм олмоқда. Яқиндаги фармон билан эса бу рақам 500—520 сўмгача кўтарилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу ойлик билан яшаш нақадар мушкуллигини сизларга тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бизнинг муаммоларимиз шуларнинг ўзигина эмас, албатта. Кутубхонада шу пайтгача жамланган китоблар, мажаллалар, рўзномалар учун ҳозирги мавжуд замонавий кошона ҳам торлик қилиб қолди. Янги кутубхона қуриш учун маблағ ажратилган, лойиҳа ҳужжатлари тайёр, аммо қурилиш материалларининг танқислиги туфайли бошлолмай турибмиз. Мавжуд кутубхонанинг китоблар сақлаш бўлимида ёнига ҳаракатлантирувчи лифт хизматини ташкил этиш, чанг сўрғичлар, салқинлик берувчи ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминлаш билан боғлиқ қатор мушкулликларни ҳал этишимиз ҳам керак. Шундагина биз бебаҳо маънавий бойлигимизни узоқ йиллар сақлаб, авлодлардан-авлодларга етказишда умрини узайтирган бўламиз. Асосий кутубхонада ҳар бир ходим ана шундай масъуллик туйғуси билан хизмат қилмоқда.

Наби УМАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонасининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Яқинда пойтахтда жумҳурият Ўқитувчилар уйи ўқув-усул марказининг тантанали очилиши бўлди. Тантанада кекса фахрий ва ёш ўқитувчилар, шаҳар халқ таълими ходимлари, ҳунар техника билим юртларининг ўқитувчилари, халқ таълими вазирлиги раҳбарлари қатнашдилар. Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Музроб Қурбонов рамзий калитни Ўқитувчилар уйи директори Носир Мирқурбоновга топширди. Биз директордан Ўқитувчилар уйи ва унинг келгуси ишлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Ўзингизга маълум, аввал мактабларимиз дарсликларида халқимизнинг қадимий тарихи, миллий қаҳрамонлари, шоир ва ёзувчилари қисман ёзилиб, асосан «улуғ рус халқининг» тарихи ва унинг қаҳрамонлари ўқитиларди. Шу кунларда кўп дарсликларни кўриб, қайта ишлаш ўз тарихимизни чуқур ўрганишга кўпроқ аҳамият бериш вақти келди. Агар ўқув дарсликларини кўрадиган бўлсак, жами 164 та дарслик бўлиб, шундан 80 таси бошқа давлатлардан келади...

Марказимиз қошида фахрий ўқитувчиларнинг кенгаши бўлиб, ёш мутахассисларимиз уларнинг тажрибаларига таянган ҳолда иш ўрганадилар. Фахрийлар кенгаши каби ёш мутахассисларнинг ҳам ўз кенгаши бўлади. Бу кенгаш уларнинг муаммоларини ечишда ва уларга амалий ёрдам беришда хизмат қилади. Доимий педагогик мулоқот мактаби бўлади. Жумҳуриятимиз бўйича халқ таълими музейи очилади. Жумҳуриятимизда 4 мингга яқин мактаб турли хилдаги ЭҲМ синф комплекслари, жумладан 2200 та «Правец», 700 га яқин «Тошкент», 200 га яқини замонавий чет эл ИВМ, 120 та «Ямаха» ва бошқа ЭҲМ комплекслари билан таъминланган. Буларни ўргатишдан олдин ўқитувчиларимиз ўзлари бу ЭҲМни мукаммал ўрганишлари керак. Шунинг учун марказимизда ЭҲМ хоналари бўлиб, бу ерда бир вақтнинг ўзида 40 дан ортиқ ўқитувчиларга Б. Болтабоев, Б. Шарипов, Т. Ҳайдаров каби мутахассисларимиз компьютерларни ўзлаштириб олишда ёрдам беришади. Булардан ташқари иқтидорли болалар билан ишлаш, шунингдек, чет эл педагогикаси таълимини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўлимларини очмоқчимиз.

Яқинда ўқитувчиларимиз 50 кишилик залга эга бўлдилар. Энди барча тадбирлар — ўқитувчилар танловидан бошлаб, ўқувчиларнинг олимпиадаларигача шу бинода ўтказилади.

— Мен жумҳурият уруш ва меҳнат фахрийлари бўлган ўқитувчилар кенгаши раисиман, — дейди меҳнат фахрийси, кекса ўқитувчи Шораҳим Гадойбоев, — бу кунни ўн олти йилдан бери орзиқиб кутдик. Кенгашимиз аъзолари бизга мурожаат қилган барча ёш мураббийларга ўз ҳаёт тажрибаларида орттирган билимларини сидқидилдан ўргатишади.

Бундан буён биз таълим — тарбия, зиё тарқатувчилар келгуси авлодни шарқона тарбиялаб она-Ватанга шайх ур-раис Абу Али ибн Сино, соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Тошкандийларни вояга етказишимиз, ўзбек довруғини бутун оламга тарқатишимиз лозимдир.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: жумҳурият ўқитувчилар уйи ўқув-усул марказининг очилишидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ТАЛАБАЛАРГА МУКОФОТ ПУЛЛАРИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуни жумҳуриятимиздаги қатор йирик хўжалик ва корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаб, тадбиркорлик билан иш кўрмоқда. Ўзаро тузилган шартномалар туфайли олий ўқув юрти ҳисобига кўплаб маблағ ўтказилмоқда. Ана шу қўшимча пул маблағларидан олий ўқув юртининг ўқув-моддий базасини янада яхшилаш ишлари ва турли эҳтиёжлар учун фойдаланилмоқда. Жамғарманинг бир қисми эндиликда иқтидорли ва аълочи толиби илмларга мукофот пули тарзида бериладиган бўлди.

Дорилфунуннинг шонли 60 йиллик тўйи муносабати билан фаол талабалар 100 сўм, аспирантлар эса 200 сўм пул билан тақдирландилар.

С. ОДИЛОВА.

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг буйруғи билан кичик адлия маслаҳатчиси Ботир Фозилхонович Иброҳимов Паркент район прокурори этиб тайинланди.

Б. Иброҳимов 1946 йилда туғилган, ўзбек, олий ҳуқуқшунослик маълумотига эга. Прокуратура органларида 1973 йилдан бери ишлайди. Хизмат давомида вилоят прокурорининг буйруғи билан бир неча марта рағбатлантирилган.

СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

20 январь куни Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида Ўзбекистон давлат мукофотларининг совриндори, икки марта халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ҳамза номли театр жамоаси яқиндагина халқимизнинг севимли артистлари Наби Раҳимов ва Пўлат Сандқосимовларнинг юбилей кечаларини ўтказган эди. Бугун эса театр мухлислари эллик йилдан ортиқ вақтдан буён ўзининг баракали ижоди билан миллионлаб томошабинларнинг меҳрини қозониб келаётган заҳматкаш инсон, ўнлаб санъаткорлар устози Зикир Муҳаммаджоновнинг муборак тўйига тўпландилар.

Анвойи гуллар кўтариб олган кишилар ардоқли актёрни муборакбод этиш учун келдилар. Улар орасида Зикир аканинг шогирдлари, республикадаги маданий-маърифий идоралар-нинг вакиллари, адабиёт ва санъат намоёндалари бор эди.

Кечада сўзга чиққанлар Зикир Муҳаммаджонов бутун ижодий йўли давомида ўзига хос, такрорланмас образлар яратиш бахтига муяссар бўлган санъаткор эканлиги ҳақида гапирдилар. У саҳнада, кино ҳамда телефильмларда унутилмас роллар ижро этди. Серқирра ижод соҳибининг яна бир хизмати шундаки, у ўзининг ажойиб публицистик мақолалари билан ўнлаб устоз санъаткорлар ҳаётини жонлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. Иброҳимов кечада Ўзбекистон Республикаси Президентининг юбилярга табрик хатини ўқиб берди ва унга Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғини топширди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Мақсадли фоизсиз давлат заёмларини чиқариш тўғрисида»ги СССР Вазирлар Кенгашининг 1991 йил 7 июлдаги № 653 ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 16 мартдаги № 142 қарорларига мувофиқ мақсадли фоизсиз заёмлар аҳолига сотилган.

Шу муносабат билан мақсадли фоизсиз заём облигацияларининг эгалари 1992 йил 1 январдан 1 июлга қадар кўрсатилган облигацияларни яшаш жойларидаги савдо ташкилотларида қайд эттиришлари керак. Тошкент вилоят Савдо бошқармаси ва вилоят матлубот жамиятлари уюшмасининг ахборотига кўра облигацияларни қайд эттириш қуйидаги рўйхатда келтирилган дўконларда амалга оширилади:

ДАВЛАТ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ БЎЙИЧА:

ОҲАНГАРОН шаҳридаги 5-дўконда — Марказий бозор, Хонобод кўчаси.

ЧИРЧИҚ шаҳридаги 3-дўконда — 3-микрорайон; **25-дўконда** — Совет кўчаси; **14-дўконда** — 4-микрорайон; **29-дўконда** — 2-микрорайон; **87-дўконда** — Совет кўчаси.

АНГРЕН шаҳридаги 90-дўконда — Чикризова кўчаси 39-уй; **92-дўконда** — Чикризова кўчаси 42-уй; **82-дўконда** — 6/4 даҳаси.

БЕКОБОД шаҳридаги 66-дўконда — Ўзбекистон кўчаси; **13-дўконда** — Октябрь кўчаси; **84-дўконда** — 14-микрорайон.

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги 51-дўконда — К. Маркс кўчаси; **88-дўконда** — Москва кўчаси; **93-дўконда** — Пиримқулов кўчаси.

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги 28-дўконда — шаҳар бозори; **67-дўконда** — Чехов кўчаси.

РАЙОН МАТЛУБОТ УЮШМАЛАРИ БЎЙИЧА:

ОҚҚЎРҒОН район матлубот уюшмасининг Оққўрғон шаҳар матлубот жамиятидаги 1-хўжалик моллари дўконида — Охунбобоев кўчаси ва «Маданий моллар» дўконида — Охунбобоев кўчаси.

ОҲАНГАРОН район матлубот уюшмасининг Дўстлик қишлоқ матлубот жамияти савдо марказида.

БЕКОБОД район матлубот уюшмасининг Зафар қўрғонидаги «Ёшлик» савдо марказида.

БУСТОНЛИҚ район матлубот уюшмасининг Ғазалкент шаҳар матлубот жамиятидаги «Спорт буюмлари» ва «Электр буюмлари» дўконларида.

БЎКА район матлубот уюшмасининг Бўка шаҳар матлубот жамиятидаги «Электр хўжалик моллари» дўконида — Магистрал кўчаси, 19-уй.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ район матлубот уюшмасининг Солдатск шаҳар матлубот жамиятидаги «Маданий моллар» дўконида.

КАЛИНИН район матлубот уюшмасининг «Ғунафша» район марказида.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ район матлубот уюшмасининг Янгибозор қўрғонидаги «Юбилей» универсал дўконида.

ҚИБРАЙ район матлубот уюшмасининг Қибрай қўрғонидаги «Гўзал» универсал дўконида.

ПАРКЕНТ район матлубот уюшмасининг Паркент шаҳридаги «Наврўз» универсал дўконида — Совет кўчаси, 3-уй.

ПИСКЕНТ район матлубот уюшмасининг Пискент шаҳар матлубот жамиятидаги «Спорт буюмлари» дўконида — Бобур кўчаси ва «Замонавий уй-рўзғор буюмлари» дўконида — Ленин кўчаси.

ЎРТА ЧИРЧИҚ район матлубот уюшмасининг Тўйтепа шаҳридаги «Гуландом» универсал дўконида ва Янгиҳаёт матлубот жамиятидаги «Замонавий уй-рўзғор буюмлари» дўконида — Микрорайон қўрғони.

ТОШКЕНТ район матлубот уюшмасининг «Гулноз» савдо марказида.

ЧИНОЗ район матлубот уюшмасининг Чиноз шаҳар матлубот жамиятидаги «Наврўз» универсал дўконида.

ЯНГИЙЎЛ район матлубот уюшмасининг Гулбаҳор қўрғонидаги «Гулбаҳор» универсал дўконида.

ҚИБРАЙ район ўқув-матлубот жамиятининг «Ёшлик» универсал дўконида.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЖАМҒАРМА БАНКИ БОШҚАРМАСИ.
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ САВДО БОШҚАРМАСИ.
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

КУБА БИЛАН БИТИМЛАР

КУБА Қирғизистон ва Тожикистон билан алоҳида савдо-иқтисодий битимларни имзолади. Бу битимларнинг амал қилиш муддати беш йил этиб белгиланди.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИГА КИРИШ УЧУН

ҚОЗОҒИСТОН ҳукумати Халқаро валюта жамғармасига кириш хусусида ана шу ташкилот вакиллари билан музокаралар олиб борди. Халқаро жамғармага кириш йўлида тўсиқлар амалда йўқ, фақат ХВЖ талабларига мувофиқ Қозоғистоннинг бир қатор норматив ҳужжатлари тўғриланиши керак бўлади.

ҲАР КИМГА БИТТАДАН СИГИР

БЕЛАРУСНИНГ «БССР 40 йиллиги» жамоа хўжалиги бошқаруви деҳқонларни нархлар қимматлашиб кетганлигидан бироз ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг жамоа подасидан биттадан сигир сотиб олишига рухсат берди. Колхозчиларга бу таклиф маъқул тушди, энди шахсий хонадонлардаги молхоналарга мол кирди. Баъзи тадбиркор деҳқонларнинг уй фермаларида икки ва ҳатто учтадан сигир пайдо бўлди. Сигир сотиб олиш учун 3 минг сўм тополмаган одамлар ҳам ҳафа бўлганлари йўқ. Улар сигирларни шарт билан сотиб олишди: уч йил мобайнида сут топшириб, қарзни узишади.

ХИЗМАТНИ ЎЗ ЮРТЛАРИДА ЎТАШМОҚЧИ

УЗОҚ ШАРҚ ҳарбий округида ҳарбий хизматни ўтаётган қарийб 900 нафар зобит ва прапоршчик ўз командирларига илтимос билан мурожаат қилдилар. Улар бундан буён хизматни ўз юртларида ўташга рухсат беришни сўрадилар. Зобитларнинг аксарияти украинлар, беларуслардир. Улар орасида молдованлар, ўзбеклар, озарбайжонлар, грузинлар ҳам бор.

МАҲСУЛОТЛАР ЯРОҚСИЗ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА

МОЛДОВА дўкон пешталаридаги тонналарга гўшт ва колбаса маҳсулотлари нархи ҳаддан ташқари баланд бўлганлиги учун уларга талаб камайиб кетди. Шу сабабли бу маҳсулотлар истеъмол учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бундан гўшт етказиб берувчилар зиён кўрди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

ЯПОНИЯ ҳукумати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бепул инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилган эди. Бу ёрдам 6,5 миллиард йен ёки тахминан 50 миллион доллар ҳажмида бўлади. Асосан озиқ-овқат ва дори-дармонлардан иборат бўлган бу шошилинч ёрдам Россиянинг Узоқ Шарқ ҳудудларига етказиб берилади.

МУЗОКАРАЛАР БЎЛАРМИКИН?

ГРУЗИЯ вақтли ҳукуматининг бошлиғи Тенгиз Сигуа «Интерфакс» мухбирига шуни маълум қилдики, тахтдан ағдарилган президент З. Гамсахурдиа вакилларидан таклиф тушди. Бу таклиф Гамсахурдианинг Ғарб мамлакатларидан бирига жўнаб кетишига тўсқинлик қилмаслик хусусидадир. Республика ҳарбий кенгаши Гамсахурдиа тарафдорлари билан музокаралар олиб бориш учун Зугдиди шаҳрига делегация юборди.

Вақтли ҳукумат бошлиғи яна шуни маълум қилдики, 12 январдан буён Грузиянинг янги ҳукуматини 7 та давлат таниди.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

• Усмон НОСИР таваллудининг 80 йиллиги олдидан

ЎЗБЕКЛИГИМИЗНИ ЎРГАНДИК

ОТАШИН ШОИР Усмон Носирнинг ҳаётини ўрганиш бутун умрининг мақсадига айланиб, бу борада анча ишлар қилишга ошиқдим. Озми-кўпми, ҳарқалай қандайдир натижаларга эришдим. Кўп вақт, кўп куч, кўп меҳнат талаб қилди бу ишлар.

Мен учун, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлган ишлардан бири бу — Усмон Носирнинг Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва Кемерово ички ишлар бошқармасининг архивларида сақланаётган «Жиноий иш» бўйича ҳужжатларни ўз ичига қамраб олган иккита папка билан танишганлигим бўлди.

Агар ўша машъум 37-чи, 50-чи йилларда ўз ўртоқлари, ўз дўстлари устидан ҳасадданми, қўрқувданми, лоқайдликданми (бунинг аҳамияти йўқ) ҳар хил органларга «юмалоқ» хатлар ёзаётганлар, «қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади» деган мақолни фақатгина бир бора эслаганида эди, балки шу бугун бу мақолани ёзишга ҳожат бўлмасмидийкин...

Муҳтарам ўқувчилар балки: «Ўтиб кетган гапларни бошқатдан, шунча йиллардан кейин кавлаштиришнинг нима кераги бор?» деган хаёлга борарлар. Меннинг эса ўз фикрим, ўз хаёлларим билан бўлишгим, суҳбат қургим келди.

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ, яъни қулоғимиз ўрганган номи юрагимизга даҳшат солиб келган КГБнинг архивида сақланаётган ҳужжатлар билан барча танишиб чиқишга муяссар бўлганда эди деган ўй дилимни ўртайди.

Чўлпон, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, Ғози Олим Юнусов, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Нуриддин Ўлмасбоев... бу рўйхатнинг поёни йўқдек. Бети титилиб кетган папкаларни битта-битта қўлимга оламану, чинакам инсонлар бўлиб яшаган ота-боболаримизнинг тақдир ва умрлари шу сарғайиб кетган варақларга жо қилиб қўйилганлигини ўйлаб, кўзларимга беихтиёр ёш келади. Уларни бағримга босаман. Алам, армонлар юҳо бўлиб ютади. Ғазабли, суронли, қайсар дарёга айланиб боради бу юрак. Катта, ҳал қилувчи курашларга тайёр ва қодир бўлиб оқади у... Лекин бирдан хаёл сабаб, бошимдан биров бир челак муздек сув сочиб юборгандек бўлди, энди даҳшатга тўлдим. «У ўтмиш кунларга тегишли тарихни ўрганиб жунбушга келяпману, бу кунда бўлаётган ишларни наҳот кўрмаяпти менинг кўзларим» деган фикр илондек чақиб олди мени.

Ахир, ўзбекка 37-йилларда зуғум қилиб, юраги «жиз» ҳам этмай қирғинбарот ўтказган ўша Зайцеву Болдирев каби ёвуз ниятли ўнлаб «ҳукмрон»ларнинг ўринларини бугунга келиб Гдляну Иванов, Галкинга ўхшаган қабиҳлар эгалламадими?! Бу «олий насабли билимдон»лар ўзбекнинг 20 мингдан ортиқ фарзандини қирғинбарот қилиб, бўйнига бадномлик тамғасини илишга уринмадиларми?! Бизлар эса ўша 37-йиллардагидек, инерция бўйича индамай, бўйнимизни тутиб бериб яшашга ўргатилганимиз учун энди ҳам лом-мим демай туравердик. Яна бир-биримизни сотдик, яна бир-биримизнинг бошимиздан мағзава сочдик. «Оҳ, ўзбегим, қачон сен ўз қадрингга ўзинг етишни ўрганасан?» деб нола қилди, фарёд чекди юрагим.

Шу мақола бугунги ёш, ўзбекнинг эртасини ҳал қилувчи бўлиб етишаётган авлодимизнинг тўғри тарбиясига жиддаккина ҳиссасини қўшармикин деган ҳаёл билан қўлимга қалам олдим. Ўз фикримни аниқроқ қилиб ўқувчига етказиш учун бир неча хатларнинг мазмунини келтирмоқчиман.

Нодира РАШИДОВА.

БИРИНЧИ ХАТ
СУРОҚ ПРОТОКОЛИ
14 июль 1937 йил.

Усмон Носиров, 1912 й. туғилган, Наманган шаҳридан, партиясиз, 1927 йилдан 1934 йилгача комсомол сафида бўлган, ёмон хулқи учун ўчирилган, маълумоти тугалланмаган олий, касби — шоир, ўйланмаган, қарамоғида 4 кишидан иборат онласи бор, судланмаган, бебошликлари учун уч марта милицияга келтирилган.

Иш бўйича қуйидаги кўрсатмаларни берди:

САВОЛ: Сиз аксилинқилобий ҳаракатлар ва советларга қарши қилган ташвиқотларингиз учун ҳибсга олиндингиз.

ЖАВОБ: Мен охирги кунгача ҳам миллатчиликка оид ва советларга қарши бўлган кайфиятда эканлигимни, бир неча бор ўртоқларим даврасида, баъзида эса омма ўртасида ҳам миллатчиликка оид ва советларга қарши гапларни коммунистик партиянинг сиёсатини қоралаб гапирганимни бўйнимга оламан. Эслайолмайману, лекин ўзимнинг омма орасидаги антисовет гапларимда мен халқлар доҳийсига тегишли антисоветликлар қилгандурман. Мен яна қайтараман, эслолмайман, чунки ҳар гал аксилинқилобий ҳаракатларимда мен маст ҳолда бўлганман.

Ўзбек делегацияси билан мен Москвада ўтган ўзбек санъати декадасига қатнашиб, улар билан СССР ҳокимият аъзоларини кўришга муваффақ бўлганимдан кейин хулқим нотўғрилигини англаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси президиумида ўз хатоларимни очиқ бўйнимга олдим.

САВОЛ: Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган сизга маълум бўлган миллатчи аксилинқилобий гуруҳлар ҳақида билганингизни айтиб беринг.

ЖАВОБ: Мавжуд аксилинқилобий ташкилот ва гуруҳлар илгари бўлганлигини ва ҳозир ҳам борлигини мен билмайман, чунки ҳеч қачон уларга аъзо бўлмаганман.

Миллатчилик ва аксилинқилобий кайфиятлар менда аввалги ўқитувчи-устозим, таниқли озарбайжонлик миллатчи Ризо Қорашоҳлининг таъсирида пайдо бўлган. Бунинг таъсири менга Қўқонда II босқичи мактабида 1925—1929 йилларда ўқиган кезларимда, кейин Ризо Қорашоҳлини 1935 йилда Тошкентда учратганимдан сўнг ўз кучини кўрсатган. Ризо Қорашоҳли менга ҳамиша миллатчилик кайфиятини сингдирган, менинг адабий асарларимни мақтаган, шу билан бирга у мени советларга қарши қарашлар билан эмлаган, менга битта миллат ичида социалистик жамият қуриш мумкинлиги назариясини тушунтирган, социализм билан бир пайтда пантуркизм учун баробар курашиш мумкинлигини исботлаб берган.

Ризо Қорашоҳлининг таъсири остида менда миллатчилик қарашлар шаклланиб, русларга нисбатан нафрат пайдо бўлди. Шу билан бирга советларга қарши кайфият пайдо бўлдики, мен юқорида айтгандек, бу ўртоқларим билан суҳбатларда ўз аксини топарди ва менинг адабий фаолиятимда кўринган.

САВОЛ: Ризо Қорашоҳли атрофида йиғилган шахслар ҳақида кўрсатма беринг.

ЖАВОБ: Мен билан бирга, менсиз ҳам Ризо Қорашоҳли олдига:

1) Жавлон Раҳмонов борган. У қўқонлик бўлиб, ўқитувчилик қилади, ҳозир Тошкентда яшаб, ўрта мактабларнинг бирида ишлайди.

2) Муҳсин Ҳамидов, қўқонлик, «Ҳамза» театрининг актёри.

3) Абдулла Шокиров, бешариқлик, М. Ҳамидовникида яшайди, адабий фаолият билан шуғулланади (болалар учун эртаклар ёзади) ҳамда радиокомитетда хизмат қилади.

Менинг ва юқорида айтиб ўтган шахслар олдида Ризо Қорашоҳли бизни миллатчиликка ва советларга қарши бўлишга ундар эди.

Бундан ташқари ўзим билан суҳбатда у Чўлпонни, унинг асарларини мақтаб, менга сен фақат миллатчи шоир бўлишинг керак, бу сенинг ягона йўлинг деб ўқтирарди. Фақат шу йўлда ўзбек халқи учун жуда катта фойда келтирасан дер эди.

Қорашоҳлининг таъсири остида ва унинг кўрсатмаси билан мен бир нечта миллатчилик ва антисовет руҳида асарлар ёзиб, нашрга уддалаб олиб киришга муваффақ бўлдим («Меҳрим» тўплами).

САВОЛ: Чўлпон билан қандай мулоқотда бўлгансиз?

ЖАВОБ: Мен ҳеч қачон Чўлпоннинг уйида бўлмаганман, у ҳам ҳеч қачон меникига келмаган. Чўлпон билан фақат ёзувчилар уюшмасида кўришиб танигганман. Ундан ташқарида биз ҳеч қачон учрашмаганмиз. Ва на шахсий, на сиёсий, на адабий масалалар бўйича суҳбат қилганмиз.

Протокол менинг гапларим асосида тўғри ёзилган, ўқиб чиқдим.

У. НОСИРОВ.

Сўроқ қилди: ЎзССР ИИХК ДХБ 4-бўлим бошлиғининг ёрдамчиси Давлат Хавфсизлигининг лейтенанти Матвеев.

(Сўроқ протоколлари ва қуйидаги комиссия хулосаси рус тилида олиб борилган, таржималар меники —Н. Р.)

ИККИНЧИ ХАТ

Усмон Носирнинг аксилинқилобий миллатчилик ҳаракатлари ва ҳулқ-атвори хусусида комиссиянинг хулосаси.

Комиссия аъзолари: Аиқабой, Ҳамид Олимжон, Малишева, Шамс

2-Пленум ва Ўз. Совет Ёзувчилар уюшмаси раёсатининг таъкидлаши бўйича, махсус комиссия Усмон Носировнинг хулқ-атворига тегишли аксилинқилобий миллатчилик фактларни текшириб, қуйидагиларда тўхталади:

Ўз. Совет Ёзувчилар уюшмасига номзод бўлмиш Усмон Носиров унга ижод қилишлик учун яхши имкониятлар яратиб берилишига қарамай, ёзувчи ва совет граждани деган номга доғ тушириб, ўзини ёмон тутди: ичкиликбозлик, ҳаётидаги чириш, аксилинқилобий миллатчиликка хос иборалар — мана унинг характерли фазилатлари, бу ҳақда биз бир қатор ёзувчилар билан суҳбатлардан билиб олдик.

1. Москвада Пушкинга бағишлаб ўтказиладиган пленумдаги Ойбекнинг ўқиладиган нутқи учун тезислар тузилаётган пайтда Усмон Носиров Улуғ Октябрь инқилоби — Октябрь давридан кейиниги совет адабиётини ўрганишлар Пушкин ижодини ўзбек халқининг она тилисига таржима қилишга имконият яратди, деган гапларни инкор қилди. У Ойбекнинг «Пушкин асарларининг таржимаси араб ва форс адабиётларини ўрганиш натижасида амалга ошди» деган антимарксистик тезисини жон-жаҳди билан ҳимоя қилди. Делегациянинг соғлом қисмини ташкил қилганлар бу тезисга зарба берди. Бу фактлар ўртоқ Лаврентьев ва Ойдин берган ахбороти билан ҳам тасдиқланди.

2. Пленум кунлари Лаврентьев билан меҳмонхонанинг бир хонасида **шеърият ҳақида бўлган бир суҳбат пайтида Усмон Носиров «фақат бадбин дунёқарашгина юқорисанялик шеъриятнинг мазмунини ташкил қила олади, шоир замонасига оппозицияда бўлгандагина асл бадиий асарлар ярата олади»,** деган гапларни таъкидлаган. Яна у оптимистик асарлар яратиш ҳаракатлари албатта мағлубият билан тугайди деган. Носировнинг бу гапларини шоир ўртоқ Лаврентьев тасдиқлаган.

3. Ўша суҳбат пайтида Усмон Носиров яна бошқа бир мулоҳазалар қилиб, **шарқий турк халқлари маданиятининг мустақиллиги уларни ягона мустақил давлатга бирлашиши кераклигини талаб этади, Ўзбекистон СССР таркибида бўлишлиги шарт эмас, турк халқларининг бирлашуви орқали ҳақиқий социализмга эришмоқ мумкиндир** деган гапларни айтган.

4. «Европа» ресторанида Ғайратий, Лаврентьев, Ойбек ва яна битта тожик ёзувчиси билан бирга бўлганида, Носиров шарқ куйини ижро этиши учун оркестрга 30 сўм пул берган. Лекин унга официант пулни оркестрга етказмади деб айтишганида, у барча руслар ўзи шунақа ва русларнинг диктатурасига ишониб бўлмайди деб официантни сўкди. Атрофдагилар Носировга гаплари нотўғри деганида, у сапчиб турди-да, қўлини силтаб, чиқиб кетди.

5. Москвадан Тошкентга қайтишда Носиров билан Ойбек вагонда ичкиликбозлик қилиб, ўз бебошликлари билан йўловчиларни безовта этдилар. Мастлик билан Носиров «Мен бу дунёда ёлғизман, менинг устозим йўқ!» деб хитоб қилди. Тушкунлик ҳолатда қайчини иккига бўлиб, Ойбек билан Лаврентьевни урмоққа шайланди. Лаврентьевга қарата у рус халқи тўғрисида кесатиқ лўқмалар ташлади.

6. Пленумгача Ўзбекистон Давлат нашриётининг бадиий бўлимида Носиров Холида Сулаймонова, Наим Саидов, Ғайратий олдида машҳур миллатчи аксилинқилобчи Абдулла Авлонийга бағишланган шеърини ўқиб берган. У Абдулла Авлонийни ўзбек шеъриятининг юраги деб тасвирлаган. Бу фактни ўша ерда бўлган ўртоқлар тасдиқлаганлар. Шу шеърни Носиров Ғафур Ғуломга ҳам ўқиб берган. Ғ. Ғулом эса бу шеър А. Авлонийга бағишланганини инкор этган.

7. Усмон Носирнинг асарларида, айниқса, охирги «Меҳрим» деган тўпламида пантуркий, миллатчиликка ва бадбинликка хос кайфият кўпдир.

8. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг иккинчи пленумида Носировнинг миллатчилик тенденциялари очилганида, у Лаврентьев ва Чепрунов ўртоқларга қарата, уларни ёзувчилар қаторигагина эмас, ҳатто одамлар қаторига ҳам қўшмаслигини айтди. Комиссияда у рус тилини жуда яхши билишига қарамай, рус тилида жавоб беришдан бош тортди.

9. Усмон Носирнинг отаси Қўқонда миллатчи — троцкийчи Аминов билан алоқа қиларди. Отаси Аминов билан бирга жазога ҳукм қилинган, аммо Носиров отасини ҳимоя этиб, ҳимоячига 4.500 сўм берган. Ўзининг бу қилган ҳаракатини Носиров туҳмат деб атади ва ҳамма совет суд органлари пора олади деб айтди. Носировнинг миллатчи Чўлпон билан ғоявий боғлиқлиги бор эди, ўзининг шеърларини унга консультация учун берарди. Чўлпон бетоб бўлиб қолганида Носиров унинг ёнидан силжимаган. Чўлпон эса ҳамма ерда Носировнинг шеърларини мақтаб юрган. Бу факт шундан далолат беради, Чўлпон Носировни аксилинқилобчи ва миллатчи қилиб ўстирган.

10. Комиссия қуйидагиларни тавсия этади:

а) Усмон Носирнинг аксилинқилобий миллатчилигини аниқлаб, уни Ёзувчилар уюшмасидан ўчириш лозим.

б) Зудлик билан Носировнинг китобларини йўқ қилиш лозим, чунки улар аксилинқилобий миллатчилик ғояларни судраб кирадилар. Унинг аксилинқилобий ишларини ёзувчилар жамоаси йиғилган мажлисда батафсил кўриб чиқиш керак.

в) Зудлик билан Ойбек ва У. Носировнинг муносабатларини текшириб, нима учун Ойбек Пушкинга аталган пленумдаги нутқига антимарксистик тезисини киритганлигини аниқлаш лозим.

г) Ёзувчилар орасида снёсий-тарбиявий ишларни кенг олиб бориб, тезкорлик билан баъзи бир ёзувчиларнинг ижодини ва уларнинг практик фаолиятини ўрганиш ҳамда ёзувчилар орасида большевистик танқид ва ўз-ўзини танқид қилишни кучайтириш лозим.

УЧИНЧИ ХАТ
КОМИССИЯГА

1. Усмон Носир масаласида.

Мен Усмон Носирни Қўқонда II босқич (мактаб — Н. Р.)да ўқиб юрган чоғларимдан бошлаб биламан. Бир синфда ўқимаган бўлсам ҳам, бир мактабда ўқиганман. У мактабни мендан аввал битириб кетган. Ўша даврда ҳақиқатдан ҳам мактабнинг тил-адабиёт муаллими Мухтор Муҳаммадий (миллатчи, сургунга бориб келган) Усмонни кўтарар эди. Унга китоблар ҳам берар эди. Лекин у вақтларда мен ёш бўлганимдан ларнинг қандай ўтиришлари бўлганини эслай олмайман. Ҳамма вақт Усмонни мақтаб юрганини, унинг шеърларини мактаб журналига, газетасига бостирганини биламан. Газета ўшаларнинг нарсасига банд бўлар эди. Мен ёш, пастки синфимда бўлганимдан менинг ёзган нарсаларимни масхаралаганини ҳам биламан. Ҳақиқатдан ҳам Усмон Носирнинг Ашурали Зоҳирий, Мухтор Муҳаммадий, Ёқуб Омон ва бошқалар билан кўпроқ юрганини биламан. Ўшалар билан ичкиликка ҳам ўрганди. Ўшаларнинг миллатчилик идеялари Усмон Носирнинг ижодида ҳам акс этди.

Мактабни битиргандан сўнг Москвага ўқишга кетди. Яна Москвадан ҳам қайтиб келди. 32-йилларда Қўқон театрида ишлаб юрди (мен бу вақтларда Самарқандда ЎзГУнинг 3-курсида ўқир эдим). Қўқонда юрган чоғида ичкиликка ўрганган, кишилар билан мушталашиш, безорилиги авж олган. 33-йилда ёзги отпускага борган чоғимда илгари мени назарписанд қилмай юрган киши, яъни Усмон Носир мен билан яқинлашгандай кўринди. Самарқандга ўқишга олиб кетишимни сўради (1—Н. Р.). Биз ҳам унинг тузалишини кўзда тутиб ўқишга ободик. Бир ярим йил ўқиди, у ерда ҳам ичкилик, безорилик, бошқа бузуқи ишларни канда қилмади, ниҳоят комсомолдан чиқарилди, мактабдан қочди. Биз ЎзГУни битириб чиққанимиздан кейин: «Сенлар профессор бўлиб қолдингми?» деган масхараомуз сўзларни ҳам қилиб юрди.

Шундан сўнг Тошкентга келиб, Союз олдида тутган ўрни сизга маълум. Мен шу билан 35-йилда ЎзГУни битириб Самарқандда қолдим — ҳозиргача Самарқандда ишлайман. Сўнгги йилда Усмон Носир билан мен бир жойда эмас, балки узоқ яшадим. Ҳар замонда Тошкентга келганимда Союзга (союзда демоқчи — Н. Р.) кўриб турар эдим. Бу йил 37-йилда Усмон Уйғун билан бирга турар экан, мен ҳам келганимда ўшаникида турдим. Азбаройи жой йўқлигидан. Усмон Тошкентга келиб қандай кишиларни атрофига тўплаган, қандай қора ишлар қилган, унинг ёнида юрган кишилар кимлар, буни мутлақо билмайман. Чунки мен Самарқандда яшайман. Жавлон Раҳмонни Қўқонда ўқитган чоғини биламан (бизни ўқитган) Усмон билан Жавлоннинг алоқаси эскиттан борлиги маълум. Мендан ўтган энг катта камчилик хато, у ҳам бўлса икки нарсада.

Биринчи, шу йил қишда суриштирмасдан туриб Жавлоннинг уйига боришим, чунки Самарқанддан келганимга бир кун бўлган эди. Тўйда Усмон, Абдулла Шокирий, Муҳсин Ҳамидий ва бошқалар ҳам бор эди. Мен сира ичмадим. Фақат ўтирдим.

Иккинчи, шу йил қишда Усмоннинг ижодий кечасида унга бағишлаб шеър ёзишим, ўқиб беришим бўлди. Ўша шеър ҳам ҳозирги бахтли ёшликка бағишланган эди. Лекин шеърни у даврдаги муҳитга қараб туриб ёзган эдим. Мени газетада Усмонни дўсти деб айбларлар. Лекин қайта-қайта айтаманки, дунёда қарашим билан, ижодим билан унинг ғоявий дўсти эмасман. Менинг шеърларимдаги, лирикамдаги кўтаринки руҳ, воқеликка умидворлик билан қараш ёзган асарларимда мавжуддир. Лекин Усмон доимо умидсизлик, норозилик билан юрар, шеър ёзар эди. 34-йилда Самарқандда катта бир мажлисда «Пионернинг ўлими» деган шеърни ўқиб берди. Мажлис аҳли шеърни танқид қилиб чиқди. Худди шу ерда, худди шу пайтда «Ленин авлоди» деган шеърим билан унга жавоб бердим ва кўпчиликнинг самимий олқишини олдим. Усмон Носирий билан менинг орамдаги манзара шундан иборат.

2. Абдулла Қодирий масаласида.

Бултур Қозонга борганимизда ёзувчи Абдулла Қодирий ўзининг ҳолат руҳияси, айрим сўзлари билан советга қарши, бугунги адабиётга қарши совет ёзувчисига ярашмаган бир неча бўлмагур чиқишларни қилди.

Мен бу ҳақда бундан 5 ойлар муқаддам тегишли жойга тўлиқ маълумот берган эдим.

1. Испанияда фашист қўзғолони бошланганида 15 кунлар ўтган эди. Халқаро масалалар тўғрисида сўз бориб турган чоғда, Абдулла Қодирий жаҳонда икки система (социализм ва фашизм) яшаб турганини айтди. Гитлер билан Сталинни бир-бирига қарамақарши қўйиб, қўпол бузуқ образ берди:

Гитлер Сталиннинг бақинига туртади, Сталин қўйинг-қўйинг-ей, деган сўзни менга жестлар билан кўрсатади.

2. Мен билан қаттиқ уруштиб, «сенлар ноғорасига ўйнайсан» деб бутун ёшларни қоралади. Албатта, советлар партиясининг ноғорасига ўйнайсан деган сўзни айтди.

3. Овулга чиққанда деҳқонларнинг аҳволини кўриб, буларнинг аҳволи ёмон, қишда нима еб, нима ичадилар деб менга айтди.

НАТИЖА

Яна бошқа сўзларни мукаммал равишда гапириб бераман. Мен ёзувчи ёш бўлганимдан, бу воқеалар меним учун катта мактаб, катта сабоқ ҳисобланади. Бундан сўнг сиёсий ҳушёрликни ошириб, ижодимнинг гуллаши учун союздан ҳар томонлама ёрдам кутаман. Ўзимни ижод, амалий иш билан кўрсатишга ваъда бераман.

Амин УМАРИЙ.
27/VII — 37 йил.

ТЎРТИНЧИ ХАТ

Тергов протоколидан кўчирма.

Худойвоҳитов Аиқабой
10/VIII — 37 й.

Худойвоҳитов Аиқабой — 1905 йилда туғилган, ўзбек, Самарқанд шаҳридан, 1925 йилдан ЎзКП(б) аъзоси, касби — ёзувчи, драматург, ЎзССР Ёзувчилар уюшмасининг президиум аъзоси. Ҳибсгача Тошкентда, Учительская кўча, 9-уйда яшаган, судланмаган.

САВОЛ: Сиз аъзо бўлган аксилинқилобий пантуркий ташкилот қандай аксилинқилобий ташкилот ва гуруҳлар билан алоқада бўлган?

ЖАВОБ: Адабиёт ходимларининг орасида мавжуд ва мен аъзо бўлган миллатчи ташкилот Ўзбекистонда ташкил этилган ягона миллатчи пантуркий ташкилотнинг бир қисми бўлиб, ғоявий фронтнинг асосий участкаларида аксилинқилобий ишлар олиб борган.

Адабиёт ходимлари орасида ташкил топган аксилинқилобий ташкилотнинг таркибига фанлар қўмитасининг раиси Отажон Ҳошим кирган. У ёзувчилар ичида олиб борилаётган антисовет миллатчилик ишларига аралашибгина қолмай, балки фанлар қўмитасида ҳам атрофига пантуркийлик ғояларни сурувчи асосий кадрларни йиғиб олди: Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазонов, Чўлпон ҳам у билан боғлиқ бўлган. Улар билан биргаликда у (Отажон Ҳошим — Н. Р.) адабиёт, тил ва терминшунослик соҳаларида актив аксилинқилобий ишларни олиб борарди.

О. Ҳошим тўппа-тўғри ўзи ҳам, айниқса, Фитрат орқали ҳам Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбари Файзулла Хўжаев билан қаттиқ алоқа боғлаган.

САВОЛ: Миллатчи пантуркий ташкилотнинг амалий аксилинқилобий иши тўғрисида маълумот беринг.

ЖАВОБ: Мен юқорида айтганимда, аксилинқилобий ташкилотнинг асосий мақсади адабиёт соҳасида антисовет фаолият кўрсатишдан ташқари адабиётни миллатчилик пантуркий ғояларни тарғибот қилиш ва шу билан бирга байналмилал совет асарларининг нашрини тўхтатишдан иборат эди.

Мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтираман: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қила туриб Мўмин Усмонов, Мажидий ва О. Ҳошим пантуркий аксилинқилобий ташкилотнинг ҳам раҳбарлигини бажаришган ва қўлдан келгунча миллатчи ёзувчиларнинг асарини кенг тарқатганлар.

Охирги кунгача ўзбек адабиётининг яратувчилари сифатида ўз асарлари билан танилган миллатчилар Элбек, Шамс, Ойбек, Ойдин, Уйғун, Ҳ. Олимжон, Жулқунбой ва Усмон Носирлар қолмоқдалар. Давлат органларидан гонорар тариқасида арабларнинг «1001 кеча», аруз вазнида ёзилган асарлар ва ҳоказолар учун бесабаб катта миқдорда пуллар олиш имкониятлари яратилмоқда.

Фитрат, Чўлпонларга дарсликлар ёзиш топширилади, Қаюм Рамазонов, Ғози Олим Юнусовларга катта совғалар эвазига «Гулистон», «Ёрқин турмуш» каби журналлар пантуркийлар Ашурали Зоҳирий, Ғози Юнусов ва бошқаларнинг миллатчилик руҳда ёзилган материалларини чоп этадилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шу кўрсатилган салобатли ва пишиқ совет материалларини бермаётган миллатчи ёзувчилар «ишлаётгани» ва фақатгина миллий асарлар «ижод» қилганликлари натижасида Ўзбекистонда шу кунга қадар бironта ўсиб унган, совет тематикасини ёритувчи, фундаментал асар яратувчи ёзувчи йўқдир!

Ёш совет ёзувчиларининг ўсишини яна шу нарса тўхтатмоқда: юқорида тилга олинган миллатчиларга алоҳида шароитлар яратилган бир пайтда, ёш ёзувчилар союз аъзолигига ҳатто яқинлаштирилмайдилар.

Даврон, Туйғун, Эргаш, Зафар Диёр, Лаврентьев, Жўрабоев, Апакова, Круковскийлар каби Ёзувчилар союзига аъзо бўлишликка арзийдиган ижодкорларнинг баъзилари аъзоликка номзод, баъзилари эса номзодликка ҳам қабул қилинмаганлар.

Миллатчиларнинг адабиёт соҳасида кўрсатган аксилинқилобий фаолиятлари, узоқ йиллар «Миллий ифтихор» номли миллатчи аксилинқилобий ташкилоти томонидан ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлган Боту, Олтой, Рамзий кабилар томонидан, охирги йилларда эса пайдо бўлган пантуркий ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланганликлари сабаб, ўзбек адабиёти Жулқунбой, Чўлпон ва Элбек каби миллатчи ёзувчилар яратган баъзи бир бўш асарлардан ташқари ҳеч қандай фундаментал асарларга эга эмас. Жулқунбойнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» деган асарлари кўп нусхада чоп этилиб, миллатчиларнинг очиқ адабиётларига айланди.

«Ўтган кунлар» китобида бугунги кунга қарши қўйиб Жулқунбой ўтмишнинг хон даврини идеаллаштиради. «Меҳробдан чаён» китобида ҳам мавзу ўша, мазмунида эса бугунги ҳаётимиз миллатчиликбуржуа тузумида ўтади, деган фикр бор.

«Обид кетмон» китобида Жулқунбой қаҳрамони Берди татар образида миллатчиликни аниқ кўрсатиб, очиқ-ойдин адабиётга судраб олиб кирди. Барча ёмон сифатларини Бердиёр рус ва татарлардан олган деб, улар эса ўзбек халқининг душмани қилиб кўрсатилган. Ўзбек тилидаги асарда бу жойлар олиниб ташланганига қарамай, рус тилига қилинган таржимада бу жойлар қолдирилган.

Чўлпоннинг совет даврида яратилган йирик фундаментал асарларидан бири «Кеча ва кундуз» чоп этилди, унда жадидлар мақталиб, чоризм даврининг тўралари ижобий қилиб кўрсатилган, аммо баъзи бир жузъий хатолари билан биргаликда кўрсатилган. Буржуазиянинг ўрта қатламларини ташкил этувчи вакиллари Чўлпоннинг миллий қаҳрамонларидир. Совет даври меҳнаткашининг ҳаёти ва кураши ҳақида лом-мим дейилмайди.

1937 йилда Элбек фольклор материаллари асосида «Болалар қўшиғи» номли шеърлар тўпламини нашр эттирди. Шеърларнинг аксарияти миллийликнинг ёрқин мисоли бўлиб, болаларни буржуа-миллатчилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган. Элбекнинг «Тоза-гул» асари совет мавзусида ёзилиб, совет тематикасини сазойи қилиш ниятида яратилган очиқ бўҳтондир.

Миён Бузрук Солиҳовнинг ўзбек театрининг тарихи, ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида китоблари миллатчилар учун ташвиқот характерига эга бўлган асарлардир. Отилган ёки чет элга чиқиб кетган миллатчи иммигрантларнинг Солиҳов китобида берилган портретидан тортиб, то унинг антисовет миллатчилик назариясигача (бу назария қуйидагидан иборат: ўзбек театрининг томирлари жадид давридаёқ кўринар экан, Беҳбудий, Ҳожи Мўмин, Фитрат ва бошқалар ўзбек драматургиясининг асосчиси эмишлар) эски миллатчи бўлган кадрларни ҳимоя қилишлик учун ташвиқот йўли билан, шу кадрларни машҳур этиш, асраш ва сақлаб қолишга қаратилган.

Жавад Обидов тузган 15 йил мобайнида театр бўйича ёзилган танқидий асарлар мажмуаси ҳам худди ана шундай йўналишдаги китоб, Унга Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Жулқунбойларни мақтаб ёзилган асарлари, инқилобнинг биринчи йиллари даврини акс эттириб асарлар яратган Вадуд Маҳмуд, Санжар Сиддиқов, Зиё Саидов, Аъзам Аюбов ва бошқа миллатчилар киритилган. Фольклорга оид материаллар деб аксилинқилобчилар Ғози Юнусов, Фитрат ва Миён Бузрук Солиҳовлар ўқувчиларга бўлмагур уятсиз ва енгил-елпи нарсаларни етказиб бераяптилар. Отажон Ҳошимов эса Фанлар қўмитасида Ўзбекистон бўйлаб ҳар хил ёзувчилар бригадалари томонидан бир неча йиллар мобайнида йиғилган, давлат учун ниҳоятда қимматга тушган бебаҳо фольклор материалларини фойдаланмасдан ушлаб турибди.

Иккинчи факт. ЎзВКСХШнинг студентлари Усмон Носирнинг «Меҳрим» тўпламидаги кўзга ташланадиган миллатчилик характеридаги ўзгаришларни учратиб, Мўминовга бу ҳақдаги масалани тушунтириб беришни сўраганлар ҳамда Усмоновга мурожаат қилганлар. У эса унинг қўлидан бу ишнинг олдини олиш келса ҳам, шуни қилмай (студентлар)га бу шеърнинг маъноси аксилинқилобий мазмунга эга бўлиб кўрилганлигининг сабаби— улар бутун асарни эмас фақат битта абзацини олиб кўрганлари учун шундай маъно келиб чиқиши мумкин, деб айтган. Бу асар тўғрисида Усмон Носир Ёзувчилар уюшмасида очиқ-ойдин мен атайлаб шундай ёзиб, Ризобек Қорашоҳлининг таъсири тўпламга киритганман деб айтган.

Худойвоҳитов Аиқабой.

БЕШИНЧИ ХАТ

Тергов протоколи
Айбланувчи
Худойвоҳитов Аиқабой.
6 декабрь 1937 йил.

САВОЛ: 10 августда берган кўрсатмангизда сиз Усмон Носир «Меҳрим» тўпламида миллатчилик ва аксилинқилобий фикрлар қилган деган эдингиз. Унинг аксилинқилобий миллатчилик фаолияти ҳақида гапириб беринг?

ЖАВОБ: Мен Носиров Усмон билан 1935 йил бошида Ёзувчилар уюшмасида танишдим, ундан аввал у ҳақида мен унинг адабий асарлари орқали эшитганман. Мен уни фақат Ёзувчилар уюшмасида ўтган адабий асарлар муҳокамаларида-ю, мажлисларда кўрардим, холос. Қуйидаги вазнятлар Усмон Носир ижодининг мазмуни билан яқин-роқ танишмоғимга имконият яратдилар. 1937 й. июнь ойида мен — Худойвоҳитов, драматург Фатхуллин Зиннат, шоир Ҳамид Олимжон, «Литературний Узбекистан» журналининг адабий ходими Малишевларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правленнеси томонидан Носиров Усмоннинг миллатчилик аксилинқилобий чиқишларини текшириш топширилди. Шундай чиқишларининг шоҳиди бўлган шахслар билан гаплашиб; (шоирлар Лаврентьев, Ойбек, Ғайратий) биз шуни

(Давоми 4-саҳифада).

Суратларда: Усмон Носир (1933 й.); Усмон Носир (ўртада) Уйғун ва А. Умарий билан (1936 й.).

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Мақола муаллифининг юқорида сўз боши ўрнида берилган изоҳига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур мақоладаги маълумотлар Давлат хавфсизлик қўмитасининг сўроқ протоколларидан муаллиф томонидан айнан кўчирилган. Биз сўроқ протоколларидаги савол-жавобларни тўғри ёки нотўғри деб хулоса чиқармоқчи эмасмиз.

Уша машъум қатағон йилларида сўроқ ҳужжатлари қай тарзда тузилганлиги, сўроқлар қандай «усул»ларда олиб борилганлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз.

Ушбу мақолани эълон қилишдан кўзда тутилган мақсад эса муштарийларни ўша даврдаги воқелиги билан яна бир бор таништиришдан иборатдир, холос.

(Давоми. Боши 3-бетда).

аниқладикки, Усмон Носир 1936 й. бошида, Ёзувчилар союзи пленумида Москвада қатнашиб, юқорида тилга олинган ўртоқлар олдида очиқ миллатчилик аксилинқилобий гаплар қилган. У **«Яқинда Ўзбекистон Туркияга қўшилади, руслар инсофсиз одамлар, улар фақат олишни биладилар»** деб айтган. Биз яна шуни аниқладикки, 1937 йилнинг бошларида Носиров Усмон трамвайда маст ҳолатда (Тошкентда) террористик гаплар қилиб «Руслар ўзбек халқининг эксплуататоридир, шошмай туринглар, руслар, биз ҳали сизларга кўрсатиб қўямиз» деган. Ёзувчилар уюшмасининг президиуми мажлисида бизга берилган буйруқ асосида биз текширувлар натижаси бўйича қилинган докладдан кейин Носиров Усмон анча вақтгача ўз айбини иккор қилди, сўнгра эса айтган аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги гапларни бўйнига олиб, унинг бу қарашлари озарбайжонли миллатчи Ризо Қорашоҳли таъсирида бўлганлигини айтди. Президиумнинг ўша кунги мажлисида Ғулом Шодиев 1937 й. бошда У. Носиров Миртемир ёнидалигида (у контрфаолияти учун қамалиб чиққан) атайлаб ёшларни, ёш ёзувчи ва артистларни йўлдан уриб, «богема»га чорлаган (ўз ичига бебош ҳаёт кечирувчи, аниқ сиёсий принципларга эга бўлмаган, мустаҳкам эътиқоди йўқ рассомлар, музикачилар, ёзувчилар, актёрларни қамраб олган муҳит — Н. Р.), улар билан адабиёт мавзусида суҳбатлар уюштириб, ёшларга аксилинқилобий миллатчилик таъсирини ўтказган.

Носировнинг трамвайда қилган аксилинқилобий тророристик гапларига шуни қўшимча қилмоқчи эдим, бу гаплар шоир Уйғун Отақўзиев гувоҳлигида рўй берган. Отақўзиев Носировнинг бу айтган гапларини бизга ҳам, Ёзувчилар президиумининг мажлисида ҳам ўз докладида тасдиқлади.

САВОЛ: Усмон Носиров аксилинқилобий миллатчилар ташкилотига аъзо бўлганми?

ЖАВОБ: Ҳа, у ёзувчилардан иборат, Ўзбекистон большевиклар Компартияси МКнинг марксизм-ленинизмни тарғибот қилиш бўлимининг собиқ бошлиғи Усмонов Мўмин раҳбарлик қилган группа аъзоси эди, мен ҳам шу группага аъзо эдим.

Худойвоҳитов Анқабой.
6/XII — 37 й.

* * *

БУ ТЕРГОВ протоколлари-ю, хатларни яна бирмабир ўқиб чиқаман-у... беҳос димоғимга қон ҳиди урилади. Усмон Носир-у КГБ ертўласида калтакланган бошқа маҳбусларнинг ҳам еган тарсаки ва муштларининг жаранги-ю, гумбурини эшитгандай бўлдим, ўша тарсаки муштларни ўзим еган каби бутун вужудим зирқираб кетди...

Қайси тергов протоколини, хоҳ у Абдулла Қодирий «дело»сидан бўлсин, хоҳ Фитрат, хоҳ Чўлпон, хоҳ Мўмин Усмоновнинг «дело»сидан бўлсин — барчасининг «дастхати» битта, бир қолип, бир андозадаги саволлару жавоблар.

Бу протоколларни тузаётган «чулчут» солдафонлар «мен ахир ёзувчиларни, зиёлиларни сўроқ қиляпман, уларнинг эса ҳар бирининг ҳатто сўз ишлатишда, тузишда фақат ўзига хос услуби бўлади» деган хаёлга ҳам бормаганлар. Буни тушуниш учун уларнинг на билими ва на дунёқараши етган.

Усмон Носирга тегишли протоколларда ҳам мутлақо шоирнинг руҳи йўқ. Уни 13 июлда ҳибсга олиб, эртасигаёқ, яъни 14 июлда сўроқ қилишган. Терговчи шоирдан: «Ризо Қорашоҳли атрофида йиғилган шахслар ҳақида кўрсатма беришини сўраганида, шоир ўз жавобида нима учун Жавлон Раҳмонов, Муҳсин Ҳамидов, Абдулла Шокировларнинг номларини тилга олган экан деган саволнинг ечимини Амин Умарийнинг комиссияга ёзган хатидан топаман. Ундаги:

«Абдулла Қодирий ҳақида» деган «боб»да шундай жумла бор: **«5 ойлар муқаддам тегишли жойга тўлиқ маълумот берган эдим».** Барчамизга аёнки, чақув хатларини ёзиб, «тегишли жойларга топширган шахслар, минг уларнинг номи машъум протоколларга тушганида ҳам ҳибс қилинишдан мустасно бўладилар. А. Умарийнинг ҳам ўша хати «дело»да йўқ, атайлаб киритилмаган. Лекин шу нарса маълумки, агар 2-чи хат 27 июлда ёзилган бўлса, демак 1-чи хатнинг ёзилиши февраль — март ойларига тўғри келади. Ана ўша хатда, аҳамият берилган бўлса, муаллиф Жавлон Раҳмон, Муҳсин Ҳамидов, Абдулла Шокирийларни Усмон Носирнинг дўстлари деб таърифлайди. Лейтенант Матвеев учун шу гапларга асосланиб, Усмон Носирнинг тергов протоколини яхшилаб ўйлаб, тузиб қўйиш учун 5 ойлик муддат ниҳоятда етарли бўлган.

«Ўзбек шеъриятининг юлдузи» деб аталган, шоирлар сардорига айланаётган 24 ёшли Усмон Носир бошига хиёнат тошлари ёғила бошлади. У дилларни кемираётган қора ҳасаднинг қурбони бўлиши керак эди.

Шоир Усмон Носирга ёзувчилар шундай ҳукм чиқардилар:

Дўст деб ўзини Усмонга яқин тутиб юрганлар пайт пойлаб уни сотишга шошилдилар. Ҳа, давр шундай эди, қурғур давр! Давр — сотқин, давр — ҳиёнаткор! Одамларчи?! Дўстларчи?! Ҳа, давр — сотқин! Унинг тили йўқ. У мавҳум нарса. Марҳумларга ёмонликларни тўнкаш мумкиндай, даврга ҳам кўп нарсани тўнкаб, уни айблаш мумкин. Одам бўлиб туғилишнинг ўзи кифоя эмас экан. Оддий меҳрли юракка эга инсон бўлиб яралиш керак экан, бу дунёда. Лекин бу ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Ўз эътиқоди, ўз имони, ўз виждони билан яралиши керак экан инсон. Ана шундай инсонлар дўстликка ярайдилар. Лекин ана шундай пок, бокира, тоза инсонларнинг кўзи кўр бўлар экан. Улар барча одамларни ўзига ўхшатадилар-у, дўстман деганга ишонадилар.

Усмон Носир ҳам шундайлардан. У ҳамиша ҳаммага дўст бўлиб, чин дўстни ажратиб ололмади. Ағёрларга меҳр қўйди, ғанимларни дўст деб билди.

Яна битта кичкина шарҳ:

Усмон Носирнинг «дело»сида 1956 йил 31 июлда Ўлмасбоев Шароф Низомитдинович сўроқ қилинганлиги ҳақидаги протокол ҳам бор (протоколнинг асл нусхаси ДҲҚнинг архивида 976535-рақамли Ўлмасбоев Нуриддиннинг «дело»сида сақланмоқда. Нуриддин Ўлмасбоев Шароф Ўлмасбоевнинг катта акаси бўлиб, Усмон Носирнинг Равзахон деган синглисига уйланган, 1937 октябрь ойида қамалиб, отилган).

Шу протоколдан бир парча келтирмоқчиман:

«Терговчи майор Арзумянц:

САВОЛ: Билмайсизми, ҳозирги кунда Амин Умарий қаерда?

ЖАВОБ: Амин Умарий 1943 йилда Тошкент шаҳрида терлама касалидан вафот этган...»

Нодира РАШИДОВА

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Айрим ҳужжатлардан олинган кўчирмаларда имло хатолари учраши мумкин. Чунки ҳужжатларда жумлалар қандай қайд этилган бўлса, шундай кўчирилган.

(Шунингдек, ушбуга бериладиган қалам ҳақи муаллифнинг илтимосига кўра «Узпромстройбанк» қошидаги МФО 172682310 р-ц 300166910, Абдулла Қодирий вақфи, 700104-ҳисоб рақамига ўтказилади).

ЯШИН УРМАС ЧИНОРЛАРНИ!

ЁДНОМА

ЖАФОКАШ ХАЛҚИМНИНГ ПОКИЗА ФАРЗАНДИ УСМОН НОСИР (АЛАИҲИР РАҲМА)НИНГ БЕҒУБОР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНАДИ

● 1989 йил, сентябрь. Тошкент матбаачилик билим юртига Усмон Носир номи берилди.

● 1990 йил, май. Тошкент шаҳридаги 241-ўрта мактаб Усмон Носир номини олди.

● 1991 йил, февраль. Тошжроқўм Атамалар комиссиясининг 1990 йил сентябрь ойи йиғинидаги тавсиясига биноан Ш. Руставели кўчасининг Бобур кўчасидан «Самарқанд» автобекатигача бўлган асосий қисмини Усмон Носир номи билан юритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Саволларим бисёр, гоҳи тоғу тошдан сўрайман,
Шўх ўйноқи шамолдан, вазмин қуёшдан сўрайман.
Жайхун бўйлаб югураман, Сирдарёга сир айтиб.
Сурхон бирла Самарқанддан кўҳна Шошдан сўрайман:
«Усмонимни кимлар сотди, кимлар сотди? деб ҳамон.
Қайси нокас, қай нобакор қасд айлади жонига?
Қай беқмон тиғ кўтарди нурдек соф имонига?
Кўргуликлар каммиди ё ўзбекнинг пок номига —
Тарихимни варақлайман аввал-бошдан сўрайман:
«Виждонини кимлар сотди, кимга сотди?» деб ҳамон.
Келган бало Чингиздан ҳам қаттолмиди, зўрмиди?
Ялавочлар урчиб кетди, ҳақнинг кўзи кўрмиди?
Темур Малик руҳи банди, Жалолим ёш-ғурмиди?..
Широқ руҳни қайтар дея чўлу даштдан сўрайман,
«Полвонимни кимлар сотди, қайда сотди?» деб ҳамон.
Бухорони вайрон қилиб, қирғанлари каммиди,
Жиззах аҳлин арпа мисол ўрғанлари каммиди,
Туркистонни чормих қилиб бўлганлари каммиди,
Дунёи дун, чархи даввор ҳам бевошдан сўрайман:
«Забонини кимлар сотди, нега сотди?» деб ҳамон.
Саволларим тиғлар тутиб ўтмиш бағрин тилдилар,
Оқни оққа суриб, қароларни қаро қилдилар.
Темир сандиқ тилкаланиб ҳақиқатни билдилар:
Яшин урди чинордайин усмонларни ўша йил,
Ғуломларга куни қолди султонларнинг ўша йил.
Олимлигин асрамоқ чун виждонидан кечилгач,
Куфир йўлга қадам босиб иймонидан кечилгач,
Жон ғамида қалтираб, оҳ, жононидан кечилгач,
Яшин урди чинордайин усмонларни ўша йил,
Ғуломларга куни қолди султонларнинг ўша йил!
Дерлар тошнинг нархи ошмас тилло коса синса-да,
Лойи қолар чўкиб тубда лойқа сувлар тинса-да,
Чинор умри минг йил, яшин бир лаҳзалик ёнса-да,
Саволларим қилич бўлди, ноҳақ аҳли тўздилар,
Занжирибанд пок руҳларнинг занжирларин уздилар.
Неча ўн йил элни алдаб ўзин алқаб яшаган,
Бегуноҳнинг қонин тўкиб, жонин сақлаб яшаган,
Сохта унвон, олқиш олиб гоҳо «чақнаб» яшаган —
Эй, қабиҳлар, виждон урсин, иймон урсин сизларни,
Қонга ботган нишонлару унвон урсин сизларни.
Инкор этмам Сизни ҳам бир тарих қилиб битгайлар,
Номингизни тошга ўйиб хотиротда тутгайлар,
Савобталаб бўлса кимки, тошга туфлаб ўтгайлар,
Ким жазога маҳкум бўлса номингизни ном этар,
Қатл ҳукми бекор бўлиб олий жазо шу — етар!
Ўз қадримни билдим бу кун — баланд экан Зуҳродан,
Усмонимни бўй баробар ҳайкал қўйгум тиллодан,
Умидларим кўпдир маним, кўпдир ёруғ дунёдан:
Ғанимларга ем бўлмайди энди чинор—инсонлар,
Султон бўлиб султондайин — мағрур яшар султонлар!

Дилмурод САИДОВ.

МУСТАҲКАМ ТИББИЙ БАЗА

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳига қарашли ревматология клиникаси йирик даволаш даргоҳига айланган. Бу ерда муолажаларни кенг йўлга қўйиш юзасидан кўрилаётган илмий-амалий тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Мазкур клиниканинг жумҳурият ревматология марказига айлантирилиши эса нур устига ъало нур бўлди. Бу жойларда ревматологик муолажаларни янада яхшилаш имконини берди. Марказ тузилгунга қадар жумҳуриятимизда бор-йўғи 8 та ревматология кабинети бор эди, холос. Эндиликда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 40 дан ортиқ шундай тиббий маскан ишлаб турибди. Келгусида ревматология кабинетлари тармоғи янада кенгайиб, уларнинг моддий базалари мустаҳкамланади.

А. АЛИЕВ.

БИЛАСИЗМИ?

УЯТЧАН ЎСИМЛИК

КУНДАЛИК ҳаётда биз доимо ўсимликлар оламида яшаймиз, уларни суғорамиз, тагини юмшатамиз, мевасини терамиз, гуллардан гулдасталар ясаймиз. Ўсимлик ичида уятчанлари ҳам бўлар экан. Бу мимоза ўсимлигидир. Мимоза кичкинагина, чиройли бута. Барглари узун, патсимон, худди акация баргини эслатади. У табиий ҳолда тропик мамлакатларда ўсади. Олимлар уятчан мимозадаги ажойиб хусусият билан кўп вақтлар қизиқиб келишган. Унга хлорофорин буғи таъсир эттирилганда, эс-ҳушини йўқотган одам каби ўзини бутунлай ташлаб юборган. Унга опий ҳам кучли таъсир қилган. Заҳар инсон ва ҳайвонларга қанчалик таъсир қилган бўлса, уни ҳам ҳалокат ёқасига олиб борган.

Бу ўсимликнинг олий асаб тўқимасига эга бўлган тирик мавжудотлар каби хусусиятлари кишиларни лол қолдиради.

В. ТУРҒУНОВ таҳрирлаган.

ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● **РОССИЯ** Президенти Борис Николаевич Ельцин яқин вақт ичида Буюк Британияга сафар қиладиган бўлди. Англия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрдни Россия, Қозоғистон ҳамда Украинага қилган сафарида ҳамроҳ бўлган расмий вакил ана шундай келишувга эришилганлигини хабар қилди.

● **КУНИ** кеча эса Россия Давлат котиби, бош вазирнинг биринчи ўринбосари Геннадий Бурбулис Швеция бош вазири Карл Билдът таклифига биноан Швеция пойтахтига келди. У ўзининг икки кунлик расмий ташрифи давомида Швеция ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар олиб боради, қирол Карл XVI Густав билан учрашади ҳамда ишбилармонлар ва илмий доиралар вакиллари билан мулоқотда бўлади.

НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН

● **МАЪЛУМКИ,** яқинда Сальвадор ҳукумати ҳамда Фарабундо Марти номидаги Миллий-озодлик фронти вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатда қуролли тўқнашувларни тўхтатиш тўғрисидаги битимга эришилган эди. Ушанда Сальвадорда тартиботни сақлаш учун бу ерга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳарбий кузатувчиларини юбориш ҳам кўзда тутилган эди. Куни кеча дастлабки кузатувчилар Сальвадор пойтахтига етиб келдилар. Одамлар Сальвадорда давом этган ўн икки йиллик қуролли тўқнашувларга, ниҳоят, чек қўйилади, деб кутмоқдалар.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

● **ЙОХАННЕСБУРГДА** Хитой Халқ Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь билан Жанубий Африка Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Рулоф Бота ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Хитой ташқи дипломатия маҳкамасининг бошлиғи Африка бўйлаб қилаётган сафарида Зимбабведан Намибияга боратуриб, Йоханнесбургда бир муддат тўхтаб ўтди. Хитой вазирининг ЖАРга келиши икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрнатишда янги қадам бўлди, деб баҳоланди.

ЮГОСЛАВИЯДА КИМЛАР ЯШАЙДИ?

● **ЮГОСЛАВИЯДА** бу мамлакат аҳолисига доир маълумотлар эълон қилинди. Келтирилган рақамларга қараганда, серблар энг кўпчиликни ташкил этар экан. Уларнинг сони 8.479 минг кишига тенгдир. Серблар нинг 6 миллиони Сербияда, қолганлари Босния, Герцеговина, Хорватия ҳамда Македонияда яшайдилар. Иккинчи ўрин хорватларга тегди. 4,5 миллиондан иборат хорватлар Хорватияда, шу жумладан, 755 минг киши Босния ва Герцеговинада истиқомат қиладилар.

Мусулмонлар учинчи ўринга чиқди. Уларнинг сони 2 миллион 200 мингдир. Деярли уларнинг ҳаммаси Босния ҳамда Герцеговинада яшайдилар. Маълум бўлишича, бошқа миллатлар вакиллари ҳам мамлакатда анчагина экан. Албанлар — 2 миллион 169 минг, 1 миллион 270 минг словенлар, 1 миллион 267 минг македонлар, 530 минг черногорцлар бор экан. Рўйхатда келтирилган бошқа рақамлар ҳам қизиқиш уйғотади. Ҳозирги кунда Югославияда 400 минг нафар венгерлар, 210 минг лўлилар ҳамда 118 минг турклар яшар экан.

Мутахассислар Югославия аҳолиси сўнгги йилларда 23 миллион 475 минг 387 кишига етган бўлса, фуқаролар уруши пайтида уларнинг сони маълум қадар камайди, деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг фикрича, Словения билан Хорватия ўртасида бўлиб ўтган кейинги пайтдаги жангларда камида 20 минг киши ҳалок бўлди.

ҲУКМ ИЖРО ЭТИЛДИ

● **РУЗНОМАМИЗДА** Кубада қўлга тушган қўпорувчилар гуруҳи устидан чиқарилган суд ҳукми хусусида хабар берилган эди. 38 яшар Эдуардо Диасу Бетанкурт энг олий жазо — ўлимга ҳукм этилганлиги ҳам айтилган эди. Куни кеча ҳукм ижро этилди. Гуруҳнинг қолган икки аъзоси ўттиз йилдан қамоқ жазоси ўташ учун хибсхоналарга жўнатилди.

«А-320»НИНГ ҲАЛОКАТИ

● **ЛИОН** шаҳридан парвоз қилган Франциянинг «Эр-этер» авиакомпаниясига қарашли «А-320» тонфасидаги фуқаролар тайёраси Страсбург шаҳрига 40 километр қолганда дафъатан ҳалокатга учради. Унинг ичида бўлган 96 кишидан атиги тўққиз киши омон қолди. Қолганлар ҳозирча бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқдалар. Ҳалокат содир бўлган ерда об-ҳавонинг ноқулайлиги 500 нафар солдат ва полициячиларнинг ишини ниҳоятда қийинлаштирмоқда.

АРГЕНТИНА ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

● **АРГЕНТИНА** ташқи ишлар вазири Гидо Ди Телла куни кеча сўзга чиқиб, Аргентина Болтиқбўйи мамлакатларида яшаётган, ҳозирги кунда мамлакатни ташлаб чиқиб кетишни истаётган руслардан 100 минг кишини қабул қилиши мумкин, деб айтди. Бизнинг мамлакатимизга келишни истаганлар учун катта миқдорда йўл ҳаражатлари учун пул ажратилади, деб таъкидлади вазир. Яқин кунлар ичида Вашингтонда очиладиган, собиқ Совет Иттифоқига кўрсатиладиган ёрдамни мувофиқлаштиришга бағишланадиган халқаро конференцияда Аргентина юқоридаги ўз таклифини ўртага ташламоқчи.

«КУМУШ БУРГУТ» МАШҚЛАРИ

● **ЖАНУБИЙ** Африка минтақасида биринчи марта Америка ва Ботсвана ҳарбийлари биргаликда машқ ўтказадилар. Унда иштирок этиш учун Американинг Италияда жойлашган 325-механизациялаштирилган бригадаси таркибига кирувчи ҳарбий қисмдан 250 нафар жангчи ва зобитлар Ботсванага етиб келдилар.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

Спорт мусобақаларининг энг чўққиси Олимпиада ўйинларидир. Унда нафақат ғолиб чиқиш, балки иштирок этишнинг ўзи ҳар бир спортчи учун омад ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасидан шу кунгача Олимпиада ўйинларида иштирок этган спортчилар сони жуда ҳам кўп эмас, ҳар ҳолда бармоқ билан санаса бўлади. Мамлакат спортчилари илк бор иштирок этган 1952 йилги Хельсинки Олимпиадасида Ўзбекистондан икки спортчи қатнашган бўлса, сўнгги — Сеулда бўлиб ўтган ўйинларда уларнинг сони бор-йўғи тўққизтага етди.

Мамлакатга юзлаб иқтидорли спортчилар етказиб берган серқуёш диёримиз учун бу кўрсаткичлар албатта кам. Бунинг асосий сабаби спорт соҳасида моддий базаси мустаҳкам бўлган Россия, Украина, Беларусь ва бошқа республикалар кўпинча СССР терма командалари асосини ташкил қилишарди. Бунинг натижасида эса Ўрта Осиё республикаларидан жуда кам спортчилар мамлакат бош командасига қабул қилинардилар.

Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши энди спорт соҳасида ҳам ким эканлигимизни жаҳонга кўрсатиб қўйиш имконини яратди.

1992 йилнинг 21 январи Ўзбекистон спорти тарихида ўчмас из қолдиради. Худди шу кун бўлиб ўтган таъсис анжуманида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (МОҚ) ташкил топди. Бу— Олимпиада ўйинларида иштирокчилар сонини кўпайтиришдан ташқари республикада спортнинг бутун жаҳон билган олимпия турларини ривожлантиришга ҳам катта йўл очилганини билдиради.

Таъсис анжумани ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ. Ўтган йил июнь ойида (Иттифоқ тугатилишидан анча олдин) Ўзбекистон МОҚини тузиш бўйича ташкилий қўмита тузилган эди. Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши бу ҳаракатни янада тезлаштирди. Халқаро Олимпия қўмитаси қоидалари асосида Ўзбекистон МОҚи Устави тайёрланиб, лойиҳаси матбуотда эълон қилинди ва мутахассислар таклифлари асосида тўлдирилди.

Таъсис анжуманига олимпия турларига аъзо федерациялардан 64 ҳамда спортнинг ноолимпия турлари уюшмаларидан 69 вакил делегат этиб сайланди. Раёсатдан спорт раҳбарлари қаторида Ўзбекистонни бутун жаҳонга машҳур қилган спортчилардан қиличбоз Рўзиев, баскетболчи Салимова ҳамда волейболчи Дуюновалар ўрин олишди.

Кун тартибидан жой олган МОҚни ташкил этиш тўғрисида ҳамда Устав лойиҳаси ҳақида масалалар кўриб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон МОҚи таркиби тасдиқланди. МОҚ ижроия қўмитаси аъзолари сайланди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг биринчи президенти этиб, делегатлар бир овоздан Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси О. Назировни, унинг биринчи вице-президенти этиб Собир Рўзиевни сайладилар. МОҚ бош котиблиги лавозимини эса (жамоатчилик асосида) делегатлар Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳи ректори А. Ҳамроқуловга ишониб топширдилар.

Энди Ўзбекистон спортчиларининг ҳақиқий маънода очилишлари учун кенг йўл пайдо бўлди. Шу йил Барселонада бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан 26 спортчи иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Агар улардан кимдир шохсупанинг чўққисидан жой олишга муваффақ бўлса ғолиб шарафига биринчи марта Олимпия мадҳияси янграйди ва Ўзбекистон республикасидан эканлиги айтилади.

Аброр ИМОМХЎЖАЕВ.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



Ўзбекистонда биринчи марта «Муборизъ» ассоциацияси

31 ЯНВАРЬ, 1, 2 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ДА

КИКБОКСИНГ, ФУЛ КОНТАКТ КАРАТЭ БЎЙИЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗАДИ

Дастурда Ўзбекистоннинг етакчи ансамбллари иштирок этади.

Чемпионат Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент давлат цирки биносида ўтказилади.

ЧЕМПИОНАТ ҲОМИЙИСИ —«НИГОҲ» ФИРМАСИ.

Чиптолар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилади.

Касса «ЮБИЛЕЙ» спорт саройида соат 10 дан 18 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-17-81, 44-17-84, 44-35-91, 44-29-04.

ФАЙЗ Лтд.

ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ

Эртаклардаги сингари тез, қулай ва сифатли кафолати билан.

Технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «ТРОДАТ» Австрия фирмасиники.

ФАЙЗ ЛТД ФИРМАСИ — бу:

ҳар қандай график тасвирли, обрўли кўринишли муҳрлар, штамплар, оттисклар, факсимиле, серҳашам, зарҳалланган ташрифномалар ва ҳоказолар демакдир.

Мулоқот телефони: соат 9 дан 17 гача: 77-56-17.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт- матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилди. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14 Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 30579 нусха босилди.